O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY VOQLI TALATASI

ЎзХДП бозор иқтисодиёти шароитида мамлакатимиз аҳолисининг ижтимоий ёрдамга муҳтож қатлами манфаатини ҳимоя қилишни ўз зиммасига олган.

Бизнинг номзодларга овоз берсангиз, ижтимоий ҳимоя тизимини янада такомиллаштириш ишларига ҳисса қўшган бўласиз!

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

SHU AZIZ VATAN – BARCHAMIZNIKI!

• 2009-yil • 15-dekabr • Seshanba • 150-51 (30.111) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

ЎЗБЕКИСТОН — ТУРКМАНИСТОН:

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедовнинг таклифига биноан 13-14 декабрь кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.

Ўзбекистон ва Туркманистон халқларини умумий тарих, муштарак маданият ва қадриятлар бир-бирига боғлаб туради. Ўзбек ва туркман азалдан бир-бирининг маданиятини бойитиб, савдо-сотиқ қилиб, тўй-томошаларида меҳмон бўлиб келади. Аждодларимизнинг илмий ва адабий мероси ҳам халқларимизнинг умумий мулки саналади. Ўзбекистонда Маҳтумқули, Туркманистонда Алишер Навоий асарлари кириб бормаган хонадон йўқ, деса бўлади.

Мамлакатларимиз мустақилликка эришганидан кейин анъанавий дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари янги замон руҳида ривожлана бошлади. Ўзаро муносабатларни ривожлантиришдан Ўзбекистон ҳам, Туркманистон ҳам бирдек манфаатдор. Бу муштарак манфаатдорлик олий даражадаги учрашувларнинг мунтазам тус олишига асос бўлди. Ўзбекистон Президенти 2007 йилда Туркманистонга, 2008 ва 2009 йилларда Туркманистон раҳбари Ўзбекистонга ташриф буюрди. Бугал Ислом Каримов ва Гурбангули Бердимуҳамедов Ашхободда учрашдилар.

Туркманистон Президентининг саройида 13 декабрь куни давлатимиз раҳбарини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ислом Каримов ва Гурбангули Бердимуҳамедов шоҳсупага кўтарилдилар. Ўзбекистон ва Туркманистон давлат мадҳиялари янгради. Президентлар фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Ўзбекистон ва Туркманистон раҳбарларининг яккама-якка суҳбати бўлди. Унда мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётгани, Ўзбекистон раҳбарининг мазкур ташрифи ўзаро ишонч, ҳурмат ва манфаатдорлик асосидаги икки томонлама ҳамкорликка янги суръат бахш этиши ва уни янада юқори поғоналарга кўтаришга хизмат қилиши таъкидланди.

Президентлар мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболига оид масалалар, ўзларини қизиқтирган минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашдилар. Жумладан, Ўзбекистон ва Туркманистоннинг сиёсий, савдо-иқтисодий, гуманитар ҳамкорлигига, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга доир масалалар муҳокама қилинди.

Бугунги кунда икки томонлама алоқалар 2007 йилда имзоланган Дўстона муносабатлар ва ҳар томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш тўғрисидаги давлатлараро шартнома асосида ривожланмоқда. Ўзбекистон ва Туркманистон раҳбарлари бу муносабатлар кўламини янада кенгайтириш, янги мазмун билан бойитиш учун барча имкониятлар етарли эканини қайд этдилар.

Ўзбекистон ва Туркманистоннинг тинчликпарвар ташқи сиёсати, халқаро майдонда бир-бирини қўллаб-қувватлаши, минтақавий таҳдидларнинг олдини олиш масаласига ёндашувларнинг мослиги сиёсий соҳада мамлакатларимизни ўзаро яқинлаштирадиган муҳим жиҳатлардир. Ўзбекистон ҳам, Туркманистон ҳам терроризм, диний экстремизм, халқаро уюшган жиноятчилик, қурол-яроғ ва наркотик моддалар контрабандасига қарши ҳамкорликда курашиш зарур, деган нуқтаи назарни ёқлайди. Мамлакатларимиз минтақавий интеграцияни ривожлантириш Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, янада изчил тараққиётни таъминлашнинг муҳим омили деб ҳисоблайди.

Мулоқот чоғида Марказий Осиёда сув-энергетика захираларидан унумли фойдаланиш масаласи муҳокама қилинди. Трансчегаравий дарёлар бўйида гидротехник иншоотлар барпо этиш чоғида минтақанинг барча мамлакатлари билан маслаҳатлашиш, мустақил халқаро экспертларнинг хулосасини олиш зарурлиги таъкидланди.

Иқтисодий ҳамкорлик ҳақида сўз кетганда, аввало, Ўзбекистонда ҳам, Туркманистонда ҳам энергия манбаларининг йирик конлари мавжуд эканини, нефть-газ саноати жадал ривожланиб, хорижий сармоядорлар билан шериклик алоқалари кўлами кенгайиб бораётганини таъкидлаш жоиз. Мамлакатларимиз бу соҳада икки томонлама ҳамкорлик баробарида кўп томонлама лойиҳаларда ҳам фаол иштирок этмоқда. Туркманистон — Ўзбекистон — Қозоғистон — Хитой газ қувури бунинг ёрқин тасдиғидир.

Бундай лойиҳалар негизида нафақат иқтисодий, балки сиёсий ва гуманитар манфаатлар ҳам мужассам. Қувур тортиш чоғида унинг теварагида инфратузилма барпо этилиб, янги иш ўринлари яратилади. Янги қувурлар мамлакатларимизнинг транзит салоҳиятини оширади.

Транзит деганда, кейинги гап ўз-ўзидан транспорт соҳасига бориб тақалади. Транспорт коммуникациялари Ўзбекистон — Туркманистон иқтисодий ҳамкорлигининг яна бир муҳим бўғинидир. Айни пайтда Ўзбекистон ҳудуди орқали Туркманистонга, Туркманистон ҳудуди орқали Ўзбекистонга катта миқдорда юк ташилади. Бундан ташқари, мамлакатларимиз учинчи давлатлар учун ҳам транзит вазифасини ўтайди.

Президентлар музокарани Ўзбекистон ва Туркманистон расмий делегациялари аъзолари иштирокида давом эттирдилар.

Ўзбекистон ва Туркманистон табиий газ қазиб олиш ва узатиш борасида дунёдаги етакчи мамлакатлардан ҳисобланади. Туркманистондан Хитойга тортилган газ қувури ҳамкорлик имкониятлари ўз вақтида ва тўғри ишга солинаётганини кўрсатади. Биргаликда сармоя жалб этиш, йирик халқаро консорциумлар тузиш орқали Ўзбекистонда ҳам, Туркманистонда ҳам нефть-газ соҳасида юқори қўшимча қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мумкин. Бу нефть-газ саноати келтирадиган даромадни бир неча ҳисса ошириш имконини беради. Шу билан бирга, Ўзбекистон ва Туркманистонга сиёсий ва гуманитар манфаат ҳам келтиради. Чунки бу орқали ҳамжиҳатлик мустаҳкамланади, янги иш ўринлари, янги инфратузилма иншоотлари барпо этилади.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон ва Туркманистон халқаро транзит юк ташиш борасида катта имкониятларга эга. Бу соҳадаги амалий ҳамкорлик туфайли йилига мамлакатларимиз ҳудуди орқали ташиб ўтиладиган Ўзбекистон ва Туркманистонга тегишли экспорт-импорт юклари ҳажми қарийб 2,5 миллион тоннага етади.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, эндиликда Ўзбекистоннинг «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасига Туркманистон сармояси ва ишбилармонларини жалб этиш имконияти пайдо бўлди.

Мамлакатларимиз ҳамкорлигида қишлоқ хўжалиги ҳам устувор соҳалардан ҳисобланади. Ўзбекистондан Туркманистонга пахта териш машиналари, тракторлар, прицеплар, минерал ўғитлар етказиб бериш ҳажмини ошириш ҳам икки томон учун фойдалидир. Гурбангули Бердимуҳамедовнинг 2008 йилдаги Ўзбекистонга ташрифи чоғида агросаноат мажмуи соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланган эди.

(Давоми 2-бетда)

Давлат ва жамият ардоғида







Пойтахтимиздаги 23-Меҳрибонлик уйида ҳар бир ўғил-қизнинг таълимдан бўш вақти унумли, самарали ўтиши доимий эътиборда.

Болалар тарбияси, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашда ушбу масканда фаолият кўрсатаётган педагог-тарбиячилар, ижтимоий ҳимоя тизими мутахассислари, руҳшунос-шифокорларнинг хизмати катта. Турли масалаларни ҳал этишда маҳаллий ҳокимликлар, тегишли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари билан яқиндан ҳамкорлик йўлга қўйилгани ўз самарасини бермоқда.

Буларнинг барчаси ҳар бир фарзанд давлатимиз ва жамиятимизнинг доимий ардоғида, меҳр ва эътиборида эканининг амалдаги ифодасидир.

Суратларда: *23-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ҳаётидан лавҳалар.*

Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган суратлар.

Муносабат

ЁШ АВЛОД ИСТИҚБОЛИ

Муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов Конституциямизнинг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимда 2010 йилни «Баркамол авлод йили» деб эълон қилар экан, бундан кўзланган мақсад фарзандларимизни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажагини таъминлаш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлод қилиб вояга етказиш эканини таъкидлади.

Маълумки, ҳар қандай мамлакатнинг куч-қудрати унинг интеллектуал салоҳияти билан белгиланади.Дарҳақиқат, ҳар томонлама баркамол авлод буюк мақсадларимизга эришишни таъминловчи қудратли омилдир. Бу эса бевосита таълим сифатига боғлиқ. Шунинг учун ҳам баркамол авлод тарбияси давлатимиз сиёсатида доимо устувор масала бўлиб келмоқда. «Таълим тўғрисида»ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастуридан иборат меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши ва жорий этилиши ижодкор, ижтимоий фаол, юксак маънавиятли шахсни шакллантириш ҳамда юқори малакали кадрларни тайёрлашдан иборат стратегик мақсадга эришиш учун мустаҳкам асос бўлди.

Таълим соҳасида моҳиятан мутлақо янги дастурларимиз ўз вақтида, узоқни кўзлаб ишлаб чиқилганлиги ва амалга оширилганлиги нақадар тўғри бўлганлигини бугун мамлакатимиз эришган юксак марра ва натижалар яққол намоён этмоқда.

Баркамол авлод ҳақида сўз борганда, ўтган йиллар давомида катта меҳнат ва маблағ ҳисобига таълим соҳасининг замонавий моддий-техник базаси барпо этилгани ва ривожлантириб борилаётгани, бугунги кунда ундан оқилона ва самарали фойдаланиш масаласига эътибор қаратилаётгани эътироф этилмоқда. Жумладан, давлат таълим стандартларини, ўқув дастурлари ва ўқув адабиётларини янада такомиллаштириш, олий ва ўрта махсус таълим тизимида таълим йўналишлари ва мутахассисликларини бугунги кун талаблари нуқтаи назаридан янада такомиллаштириш талаб қилинмоқда. Таълим муассасаларининг аудитория ва кутубхона фондини, ўқув ва илмий-лаборатория жиҳозларини, глобал ахборот тармоғи — Интернет имкониятларидан самарали фойдаланиш ҳозирги куннинг долзарб вазифасидир.

(Давоми 2-бетда)

«Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадир».

(Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32-моддаси.)

МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРГА САЙЛОВ

Сайловлар — кучли фуқаролик жамиятига эга бўлган демократик ҳуқуқий давлатнинг ажралмас белгиси, халқ хоҳиш-иродасининг эркин ифодаланиши, фуқаролар жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этишининг асосий шаклидир.

1994 йил «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши сиёсий ҳаётимизда муҳим воқеа бўлди. Ўтган давр мобайнида қонунга қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.


Жумладан, амалдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 25-моддасида содир этилган жинояти учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган фуқаролар депутатликка номзодлар сифатида рўйхатга олинмаслиги назарда тутилган эди. Киритилган ўзгартишлар ушбу моддадаги чекловни фақат содир этган оғир ва ўта оғир жинояти учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган фуқароларгагина тааллуқли қилиб қўйилди. Бундай ўзгартишлар «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги қонунда ҳам акс этди.

(Давоми 2-бетда)

ЎЗХДП НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ 3-6



7 ПАНДЕМИЯ ДАРАЖАСИ *пасайиб бормоқда...ми?*



8 ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ МАСКАНИ

O'zbekiston havo yo'llari

TOSHKENT XALQARO AEROPORTI

Хизматлар лицензияланган

ЎЗБЕКИСТОН — ТУРКМАНИСТОН:

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Дунёда энг сердаромад соҳалардан бирига айланиб бораётган сайёҳлик ҳамкорликнинг яна бир устувор йўналишидир. Бу борадаги ҳамкорлик икки томонлама сайёҳлар алмашувини ривожлантиришга, халқ ҳунармандлиги буюмларини тайёрловчи усталарнинг меҳнатини рағбатлантириш ва даромадини оширишга, сайёҳлар жалб қилишга, қўшма лойиҳаларни амалга оширишга хизмат қилади. Бошқача айтганда, Ўзбекистонга келган сайёҳ Туркманистон, Туркманистонга келган сайёҳ Ўзбекистон орқали қайтиб кетишини йўлга қўйиш мумкин. Шу тариқа миллий авиакомпанияларнинг ҳамкорлигини кенгайтириш учун ҳам яхши замин ҳозирланади.

Ўзбекистон Туркманистонга хизматлар, озиқ-овқат маҳсулотлари, механик ускуналар, транспорт воситалари, шиша ва қора металл ҳамда улардан тайёрланган буюмлар, оптик асбоблар, кимё маҳсулотларини экспорт қилади. Туркманистондан Ўзбекистонга пластмасса ва ундан тайёрланган буюмлар, хизматлар, минерал моддалар, ноорганик кимё маҳсулотлари импорт қилинади. Албатта, икки томонлама савдодаги товарлар рўйхати бундан анча катта. Сўнгги икки йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми икки баробардан зиёд ошди.

Фойдаланилмаётган имкониятларни ишга солиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, ҳамкорликнинг янги йўналишларини очиш ва ривожлантириш Савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро қўшма комиссия зиммасига юкланган. Сўнгги йилларда Президентлар ташаббуси билан ушбу комиссия мунтазам равишда мажлислар ўтказиб келмоқда. Тошкентда ва Ашхободда икки мамлакатнинг миллий кўргазмалари ташкил қилинди.

Музокарада гуманитар ҳамкорлик масалалари ҳам кўриб чиқилди. Албатта, бу йўналишдаги алоқаларни ривожлантиришда халқларимиз ўртасидаги маънавий яқинлик, анъанавий дўстлик ришталари муҳим аҳамиятга эга.

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон ва Туркманистоннинг маданият ва санъат намояндалари икки мамлакатда ташкил этиладиган фестиваль, кўргазма ва форумларда мунтазам иштирок этиб келадилар. Хусусан, туркманистонлик санъаткорлар Самарқандда ўтадиган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг доимий иштирокчиларидир.

Музокаралар якунида Президентлар Ўзбекистон — Туркманистон қўшма баёноти ҳамда фуқароларнинг ўзаро қатновлари ва чегарабўйи ҳудудларда истиқомат қилувчи фуқаролар учун енгиллаштирилган тартиб тўғрисидаги ҳукуматлараро битимга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги протоколга имзо чекдилар. Шунингдек, икки мамлакат ўртасида Савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Туркманистон қўшма комиссияси фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисидаги ҳукуматлараро битим, ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасида 2010-2011 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Ислом Каримов ва Гурбангули Бердимуҳамедов музокаралар очиқ, ўзаро ишонч ва ҳурмат руҳида, ишчан кайфиятда ўтганини, эришилган келишувлар мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантиришга хизмат қилишини таъкидладилар.

— Ўзбекистон билан Туркманистон ўртасидаги муносабатлар барча соҳаларда изчил ривожланмоқда, — деди Ислом Каримов. — Сўнгги йилларда айниқса иқтисодий ҳамкорлик кўлами кенгаймоқда. Кейинги икки йил давомида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми икки баробардан зиёд юксалгани бунинг ёрқин тасдиғидир.

— Биз Ўзбекистон билан муносабатларни юксак қадрлаймиз, мамлакатларимизнинг ҳамкорлиги ҳам миллий тараққиёт, ҳам минтақавий ва халқаро ривожланиш тамойилларига асосланади, — деди Гурбангули Бердимуҳамедов.

Ташрифнинг иккинчи куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Туркманобод шаҳрида Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов, Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтао ва Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев билан бирга тўрт мамлакат ҳудудидан ўтувчи халқаро газ қувурини фойдаланишга топшириш маросимида иштирок этди.

Бу йирик лойиҳа Ўзбекистон билан Туркманистон ўртасидаги муносабатлар кўп томонлама ҳамкорлик доирасида ҳам изчил ривожланиб бораётганининг яна бир ёрқин тасдиғидир.

Ашхобод сафари асносида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтао билан учрашди.

Музокарада икки томонлама муносабатлар 2005 йилда имзоланган Дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатлари тўғрисидаги давлатлараро шартнома руҳида ривожланиб бораётгани қайд этилди.

— Биз Хитой раҳбари билан ҳар бир учрашувни ҳамда ушбу мамлакат билан ривожланиб бораётган ҳамкорлик алоқаларини юксак қадрлаймиз, — деди Ислом Каримов. — Ўзбекистон Хитойни ўзининг энг яқин ва ишончли ҳамкорларидан бири, деб билади.

— Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг жорий йил июнь ойида бўлган Екатеринбург саммити доирасида ўтказилган учрашувимиз ғоят самарали бўлди, — деди Ху Цзиньтао. — Ўзаро ҳамкорлик борасида мамлакатларимиз сўнгги ярим йил давомида катта ютуқларга эришди.

Ислом Каримов ва Ху Цзиньтао Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантириш, халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлик билан боғлиқ ҳамда ўзларини қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Ўзбекистон Президентининг Туркманистонга расмий ташрифи ҳар жиҳатдан самарали бўлиб, ўзаро ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқиши шубҳасиздир. Ислом Каримовнинг ташрифи Туркманистон оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилди.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА махсус мухбири.
Тошкент — Ашхобод — Туркманобод — Тошкент.

ЁШ АВЛОД ИСТИҚБОЛИ

Ўқув жараёнига янги ахборот ва педагогик технологияларни кенг жорий этиш, фарзандларимизни комил инсонлар этиб тарбиялашда фидойилик кўрсатаётган ўқитувчи ва мураббийлар, олимларга эътиборни янада ошириш, таълим-тарбия тизимини сифат жиҳатидан янада янги босқичга кўтариш кун тартибида турган долзарб масаладир.

Президентимиз ўз маърузасида таъкидлаб ўтганидек, таълим соҳасида замонавий ахборот ва компьютер технологиялари, интернет тизими, рақамли ва кенг форматли телекоммуникацияларнинг замонавий усулларини ўзлаштириш, бугунги тараққиёт даражасини белгилаб берадиган бундай илғор ютуқлар нафақат таълим муассасалари, балки ҳар бир оиланинг кундалик ҳаётига кенг кириб бориши учун замин туғдиришнинг аҳамиятини чуқур англаб олишимиз лозим.

Булар барчаси тузилмавий ўзгаришларни олий ўқув юртларининг ривожланиш динамикаси, узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлашни бошқаришнинг самарали тартибини жорий қилиш, таълим сифатини назорат қилиш тизимини шакллантиришни талаб этади. Маълумки, мамлакатимиз олий таълим муассасаларида молиявий бошқарув, ОТМларнинг инвестицион фаолияти ва маркетинг ишлари Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ижросига қаратилган. Ислоҳотларнинг бугунги босқичида, Президентимиз томонидан, таълим тизими фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш вазифаси қўйилмоқда. Ҳозирги шароитда таълим инсон фаолиятининг барча соҳаларига янги технологияларни татбиқ этиш, рақобатбардошлик ва турмуш фаровонлиги даражасини оширишнинг энг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Жаҳон иқтисодиётига интеграциялашиб бораётган мамлакатимиз учун меҳнат бозорининг ўзгарувчан талабларига тез мослаша олувчи олий таълим тизими фаолиятини йўлга қўйиш ва ривожлантириш долзарб масаладир.

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бугунги кунда тараққиётни таъминлашда илм-фаннинг ўрни ва аҳамияти беқиёс. Шу сабабли, тараққий топган давлатлар илмий жамоатчилигининг эътибор марказида турган, энг илғор, истиқболли илмий изланиш ва тадқиқот ишларини юртимизда ривожлантириш мақсадида Фанлар академияси ва олий таълим муассасалари таркибида янги лабораторияларни ташкил қилиш, уларнинг ривожланган мамлакатлардаги илм-фан марказлари билан самарали ҳамкорлик алоқалари ўрнатишига эришиш Юртбошимиз томонидан таклиф этилмоқдаки, бу ҳам олий таълим муассасаларининг илмий салоҳиятини янада оширишга, уларнинг амалиёт билан интеграциялашувини янада кучайтиришга хизмат қилади.

Бу йўналишдаги ишларга янги туртки бериш, хорижий давлатлардан замонавий илмий жиҳоз ва ускуналарни олиб келиш, энг иқтидорли ёшларимизни бу ишга сафарбар қилиш ва рағбатлантириш мақсадида Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси қошида алоҳида фонд тузиш ва уни етарли даражада валюта маблағлари билан таъминлаш таклиф этилмоқда, бу инновацион тараққиётнинг молиявий таъминоти учун асос бўлиб хизмат қилади.

Муҳтарам Президентимиз маърузада таъкидлаб ўтганидек,

«Бу борада асосий вазифа – амалга оширган ишларимизга танқидий баҳо бериш, халқаро тажриба ва ўзгаларнинг ютуқларига беписанд қарамаслик, ҳаётимизда бу йўналишда учрайдиган тўсиқларни бартараф этишдан иборат».

Президентимизнинг «Баркамол авлод йили» давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича ташкилий чоратадбирлар тўғрисида»ги Фармойишида қайд этилганидек, мазкур вазифаларнинг ижроси миллий таълим тизимида ҳам маълум ўзгаришлар амалга оширилишини тақозо қилади. Мамлакат иқтисодиётининг узвий қисми бўлган олий таълим тизимини ҳам модернизациялаш, техник янгилаш ва диверсификация қилиш, инновацион технологияларни таълим тизимига жорий этиш бугунги куннинг муҳим вазифаларидандир. Негаки, айни пайтда хориждаги етакчи олий таълим муассасалари фаолияти ISO ва бошқа шу каби халқаро сертификатлаштириш тизимлари талаблари даражасида ташкил этилган.

Ҳозирги кунда аксарият давлатларда сифат менежменти тизимини «ISO 9000» стандартлари талабларига мослигини сертификациялаш жорий этилган. Халқаро миқёсда тан олинишни истаган барча муассасалар, жумладан. таълим муассасалари учун «ISO 9000» каби халқаро стандартлар талаблари даражасида сифат менежменти тизимини жорий этиш ва унинг самарали фаолият юритишини таъминлаш жаҳон бозорига ўз маҳсулотлари ва хизматлари билан кириб бориш, рақобат курашида афзалликларга эга бўлишнинг бош омилларидан ҳисобланади.

Олий таълим муассасаларида молиявий бошқарувнинг концептуал асосларини ишлаб чиқиш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш истиқболларини белгилашда сифат менежменти тизимини ISO халқаро стандарти талаблари даражасида ташкил этиш меъёрларидан асос сифатида фойдаланиш мумкин.

Олий таълим муассасаларида сифат менежменти тизимини ISO халқаро стандарти талаблари даражасида ташкил этиш учун бир қатор олий таълим муассасаси стандартлари (ОТМС) қабул қилиниши талаб этилади. ОТМС олий таълим муассасаси фаолиятининг илмий, услубий, ташкилий, иқтисодий, ижтимоий фаолиятини тўлиқ қамраб олади ва таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш ва молиявий бошқаришда ҳуқуқий-меъёрий асос бўлиб хизмат қилади.

«Баркамол авлод йили» давлат дастури доирасида мамлакатимизнинг барча олий таълим муассасаларида сифат менежменти тизимини ISO халқаро стандарти талаблари даражасида ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлади, деб ўйлаймиз. Бу барча иқтисоди ривожланган давлатларда меъёрий асос сифатида кенг қўлланилаётган, халқаро миқёсда тан олинган глобал стандартлаштириш тизимидир.

Олий таълим муассасаларини мазкур сифат сертификатига эга бўлиши миллий таълим тизимимизнинг халқаро талаблар даражасида фаолият кўрсатаётганлигини эътироф этилиши, пировард натижада кадрлар таълим тизимининг сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилишига, келажак авлоднинг порлоқ истиқболига хизмат қилиши шубҳасиз.

Муҳаммад Али САИДОВ,
иқтисод фанлари доктори, профессор.

МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРГА САЙЛОВ

«Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги қонунга кўра, халқ депутатлари сайлов округлари бўйича кўп партиялилик асосида беш йил муддатга ўтказилади.

Сайлов куни йигирма бир ёшга тўлган ҳамда қамида беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшаётган Ўзбекистон фуқаролари маҳаллий кенгашларга сайланиш ҳуқуқига эгадирлар. Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек, суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайланиши мумкин эмас ва сайловда қатнашмайдилар.

Ўзбекистон Республикаси фуқароси бир вақтнинг ўзида ҳокимиятнинг иккитадан ортиқ вакиллик органининг депутати бўлиши мумкин эмас. Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг депутатлари фуқаролар томонидан эркин ва яширин овоз бериш орқали сайланадилар.

Депутатлар сайловини ўтказиш учун халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашларига депутатлар сайлашда — олтмиштадан кўп бўлмаган; халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларига депутатлар сайлашда — ўттиздан кўп бўлмаган ҳудудий сайлов округи тузилади. Ҳар бир сайлов округидан тегишли халқ депутатлари Кенгашига битта депутат сайланади. Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов ўтказувчи сайлов округлари сони аҳолининг, сайловчиларнинг сонини, ҳудудни ва бошқа маҳаллий шароитларни инобатга олган ҳолда, қонунда белгиланган нормалар доирасида тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан белгиланади.

Сайлов округлари тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссиялари томонидан, қоида тариқасида, сайловчилар сони тенг ҳолда тузилади. Сайлов округларининг чегаралари вилоятлар, туманлар ва шаҳарларнинг маъмурий-ҳудудий тузилишини инобатга олган ҳолда белгиланади. Тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси сайлов округлари рўйхатини уларнинг чегаралари ва сайловчилар сонини кўрсатган ҳолда сайловдан камида етмиш беш кун олдин эълон қилади.

Конституциямизнинг 99-моддасига мувофиқ туманга бўйсунадиган шаҳарларда, шунингдек, шаҳар таркибига кирувчи туманларда халқ депутатлари Кенгашлари ва тегишли Кенгашларга сайлов ўтказувчи сайлов округлари тузилмайди, депутатлар сайланмайди.

Фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш, сайловолди ташвиқоти олиб бориш ҳуқуқларини амалга оширишларига зўравонлик, алдаш, таҳдид қилиш ёки бошқа йўл билан тўсқинлик қилувчи шахслар, шунингдек, сохта сайлов ҳужжатлари тузган, овозларни атайин нотўғри санаб чиққан, яширин овоз бериш тартибини бузган ёки қонун бошқача тарзда бузилишига йўл қўйган сайлов комиссияларининг аъзолари, бошқа мансабдор шахслар, сиёсий партияларнинг, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг вакиллари Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ жавобгарликка тортиладилар. Депутатликка номзод тўғрисида сохта маълумотлар эълон қилган ёки уларни ўзгача тарзда бузган шахслар ҳам жавобгарликка тортиладилар.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига муносиб кишиларнинг сайланиши мамлакатимизни демократик янгилашда, кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари изчил олға боришида яна бир муҳим қадам бўлади.

Хайрулла ҚЎЧҚОРОВ,
ТДЮИ ўқитувчиси.

Мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ республикамиз аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. Ва бу масала давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Бинобарин, газетамиз ҳам ўтган вақт мобайнида бу борада амалга оширилган хайрли амаллар ҳамда аҳолининг бундай имкониятларга муносабатини изчил ёритиб келади.

«СУВ – МУҚАДДАС НЕЪМАТ»



Жумладан, газетамизнинг шу йил 5 декабрь сонида юқоридаги сарлавҳа остида таҳлилий мақола чоп этилган эди. Унда мамлакатимиз шаҳар ва қишлоқларини тоза ичимлик суви билан таъминлашга катта куч, маблағ ҳамда моддий ресурслар сарфланиши, бу муқаддас неъматдан тежаб-тергаб фойдаланиш зарурлиги хусусида мулоҳаза юритилганди.

Шунингдек, мақолада баъзи улгуржи истеъмолчиларнинг фойданилган маҳсулот учун ҳисобкитоби, ичимлик сувига нотўғри муносабатда бўлиб, исрофгарчиликка йўл қўяётганликлари каби салбий ҳолатлар таҳлил этилганди.

Эътиборли томони шундаки, мақола юзасидан таҳририятимизга кўплаб қўнғироқлар бўлди, хатлар келмоқда.

Газетхонларимизнинг фикр-мулоҳазаларидан кўриниб турибдики, мақолада долзарб масала кўтарилган, ундаги муаммоларга кишиларимиз бефарқ қарамайди.

«Мен узоқ йиллардан буён «Ўзбекистон овози»нинг обуначисиман. Унда чоп этиладиган мақолаларни оила даврасида ўқиймиз. «Сув — муқаддас неъмат» сарлавҳали мақолани хонадонимиз аъзоларимиз билан ўқидик. 62 ёшдаман, нафақадаман, ўғлим, келиним, уч нафар неварам, икки нафар ўғлим билан катта рўзғормиз. Узоқ йиллар ун заводида ишчи бўлиб ишладим. Ноннинг, сувнинг қадрини яхши биламан.

Очиғи, теварак-атрофимиз, яқинлар ёки ёшлар баъзида тоза ичимлик сувини исроф қилаётганининг гувоҳи бўламиз. Менимча, сувнинг уволини чуқурроқ тушуниш хонадон катталарининг зиммасида бўлиши керак. Уйда ҳар куни фарзандимизга қўл телефони, машинасини асрашни, ҳатто гўдак боламизга: «Устингни кир қилама», — дея қулоғига қуямиз. Аммо негадир «Сувни исроф қилма!» — дейишга унчалик урғу бермаймиз. Мақолада жуда топиб айтилибди — сувнинг ўрнини ҳеч нарса босолмайди...

Биз ота-оналар, ёши улуғларга кўп нарса боғлиқ. «Ҳай, болам, зилол сувнинг заволини ўйла, уйимизнинг қут-баракаси, дастурхонимизнинг файзи сув билан-ку», дея ёшларга ўгит қилишимиз бурчимизга киради.

Ойшахон МУРОДАЛИЕВА,
Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Оқилхон Шарофуддинов 1-берк кўча, 22-уй».

ТАҲРИРИЯТГА ҚЎНҒИРОҚ:

Манзура ҲАМДАМОВА,
Низомий номидаги Тошкент давлат университети докторанти:

— «Сув — муқаддас неъмат» сарлавҳали мақолани ўқигач, менда бир фикр туғилди. Оиламиз билан кўп қаватли уйда яшаймиз. Ўғлим Сирожиддин — мактаб ўқувчиси. Мақолани умр йўлдошим, ўғлим ва мен ўқиб, тўғриси, бизда уч хил мулоҳаза уйғонди. Мен, уй бекаси сифатида таъминотчиларга айрим эътирозимни айтмоқчиман, баъзида (айниқса, ёз ойларида) узилишлар бўлади, сув исрофгарчилигига қарши бевосита жойларда ташвиқот суст. Ўғлимнинг сув ҳақидаги билим ва кўникмасидан, очиғи, қониқмадим. Биз уйда ота-она бўлиб сувни тежаш хусусида гапирамиз, амалда ибрат кўрсатамиз. Аммо ҳамма мактабдаям ўқувчига бу масалада талаб даражасида билим ва маълумот берилаяпти, дейиш қийин. Умр йўлдошим Хайрулла Ибодов Қашқадарёда, дашт шароитида улғайган.

Интернетга кириб, дунё аҳолисининг ичимлик суви билан таъминланиши, ундан қандай фойдаланаётгани ҳақида маълумотларни олдик. Оилада муҳокама қилдик. Негаки, ер юзида миллионлаб одам тоза ичимлик сувидан бебаҳра кун кўряпти. Очиғи, беихтиёр: «Шукурки, бизда ундай эмас, жўмракни бурасак, зилол сув...» — дедик. Шукр қилдик, шу заминда яшаётганимиздан.

Бизнинг фикримизча, оилада сувнинг азизлиги ҳақидаги тушунчалар шакллантирилади. Мактаб, лицейда эса сув ҳақидаги билим ва тасаввурлар бойитилади. Шунда шахс сувнинг моддий ва маънавий бойликлигини теран англайди...

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

ВАҲОБЖОН РАЖАПОВ

(39-Дўстлик сайлов округи)



1971 йилда Поп туманида туғилган. Наманган давлат университетини тугатган. Мутахассислиги тарих фани — ўқитувчиси. Тарих фанлари номзоди, доцент.

Меҳнат фаолиятини 1995 йилда Наманган давлат университетининг «Умумий тарих» кафедрасида кабинет мудирлигидан бошлаган. 1997-2007 йилларда Наманган вилояти ҳокимлигининг «Фан ва техника» давлат қўмитаси мутахассиси, вилоят халқ таълими бошқармаси Давлат таълим стандартлари мониторинги бўлими етакчи мутахассиси, бўлим бошлиғи бўлиб ишлаган. 2007 йилдан Наманган вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.

16 дан ортиқ илмий мақола, 6 та илмий-услубий қўлланмалар муаллифидир. Бугунги кунда докторлик диссертацияси устида иш олиб бормоқда.

— Ўзбекистон Халқ демократик партияси ўз сайловолди дастурида Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш орқали мамлакат тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини таъминлашни устувор вазифа деб белгилаган, — дейди у. — Мен ҳам шу партиянинг фаол аъзоси сифатида уларни амалга оширишни бурчим деб биламан.

Аҳоли бандлиги муаммосини миллий ҳунармандчилик ва касаначиликка ихтисослашган кичик корхоналар ташкил этиш, айниқса, қишлоқларда хизмат кўрсатиш шохобчалари барпо этиш ҳисобига ҳал этиш муҳим аҳамиятга эга. Таълим муассасаларини замонавий ўқув қуроллари билан тўлиқ таъминлашга кечикмасдан эришишимиз зарур. Мактаб ва мактабгача таълим муассасаларида сифатли тиббий хизмат тизимини назоратга олиш баркамол авлод тарбиясида катта аҳамиятга эга деб ҳисоблайман.

Хотин-қизлар, айниқса, меҳнат билан банд аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш; «Соғлом она — соғлом бола — соғлом миллат» тамойилини мустаҳкамлаш ва бу масаланинг қишлоқ жойларда тизимлилигини қарор топтириш зарур, деб ҳисоблайман. Қонун устуворлигига эришишнинг зарур шартларидан бири унинг миллий менталитетимизга мос равон ифодалашдир. Депутатликка сайлансам, шу жиҳатларга кўпроқ эътибор қаратаман.

ГУЛНОРА АХУНОВА

(40- Сардоба сайлов округи)

1960 йилда Наманган шаҳрида туғилган. Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)ни тугатган. Мутахассислиги — ҳуқуқшунос.



Меҳнат фаолиятини 1982 йилда Наманган туман прокуратурасида иш ўрганувчи сифатида бошлаган. Прокурор ёрдамчиси бўлган. 1985-1992 йилларда Наманган вилоят прокуратураси умумий назорат бўлими прокурори, прокурорнинг ҳисобот ва статистика бўйича катта ёрдамчиси, ижрони назорат қилиш ва ташкилий ишлар бўйича катта ёрдамчиси, умумий назорат бўлими бошлиғи лавозимларида ишлаган. 1992-2004 йилларда Наманган вилоят судининг судьяси, Наманган шаҳар Давлатобод туман судининг раиси, Жиноят ишлари бўйича Давлатобод туман судининг раиси сифатида фаолият кўрсатган. 2004-2006 йилларда Адлия вазирлиги кадрлар бошқармасининг бош маслаҳатчиси бўлган. 2006 йилдан «East Telecom» масъулияти чекланган жамият бош юристи.


— Ҳаёт ўзи кўрсатаяптики, бозор иқтисодиёти шароитида аҳолининг айрим қатламлари давлат ва жамиятнинг аниқ ижтимоий қўллаб-қувватлашига муҳтож бўлади, — дейди у. — Ўзбекистон Халқ демократик партияси айнан ана шу қатлам манфаатларини ҳимоя қилишга бел боғлаган. Партия бошланғич ташкилотлари, фаоллари маҳаллалар, жамоаларда фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг имкониятларидан фойдаланиб, қонунларни такомиллаштириш жараёнида фаол иштирок этишни ният қилганман. Жойлардаги Жамоатчилик қабулхоналари орқали ижтимоий аҳвол таҳлилини ўтказиш қонун яратувчилик фаолиятида муҳим аҳамиятга эга бўлади. Электоратимиз манфаатларини ҳимоя қилувчи қонунлар содда, аниқ, халқ учун тушунарли, адолатли бўлишини, жамият ҳаётида қонун устуворлигини таъминлашга эътиборимизни қаратишимиз зарур, деб ўйлайман.

Аҳолининг реал даромадларини, фуқароларимиз олаётган иш ҳақи, пенсия ва бошқа ижтимоий нафақалар миқдорини ҳар бир инсонга кундалик эҳтиёж моллари, асосий озиқ-овқат ва ҳаётий зарур хизматларни – жаҳоннинг ўртача ривожланган мамлакатларида истеъмолнинг қабул қилинган андоза ва меъёрларига мос, кафолатланган даражасига яқинлаштириш мақсадида «Давлат минимал ижтимоий стандартлари тўғрисида»ги қонун қабул қилиш ташаббуси билан чиқиш ниятидаман.

Бундан ташқари, «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонунни қайта кўриб чиқиш йўли билан давлат ҳар бир меҳнатга лаёқатли фуқаросини иш билан таъминлаши ёки унга қонунга хилоф бўлмаган ҳар қандай меҳнат фаолияти билан шуғулланишига янада кенг шароит яратиши лозим эканлигини, давлатнинг бу мажбурияти амалга ошмаган тақдирда тирикчилик учун етарли бўладиган миқдорда ишсизлик нафақалари берилишининг ҳуқуқий асосларини яратиш лозим, деб ҳисоблайман.

ШЕРМИРЗА САЙИТБАЕВ

(43-Поп сайлов округи)



1956 йилда Тўрақўрғон туманида туғилган. Ҳозирги Тошкент давлат иқтисодиёт университетини тамомлаган. Мутахассислиги — бухгалтер-иқтисодчи. Иқтисод фанлари доктори, профессор.

Меҳнат фаолиятини 1982 йилда ўзи битирган олий ўқув юртининг «Пул муомаласи ва кредит» кафедрасида ассистентликдан бошлаган. 1985-1988 йилларда аспирантурада таҳсил олган. 1988-1994 йилларда Наманган саноат технология институти доценти, Санкт-Петербург давлат молия-иқтисод университети докторанти. 2007 йилдан мазкур институтда кафедра мудири. 1994-2007 йилларда Наманган муҳандислик педагогика институтида молия кафедраси мудири, декан, ўқув ишлари бўйича проректор лавозимларида ишлаган.

Халқ депутаталари Наманган вилоят Кенгашининг депутати сифатида электр энергияси таъминоти узлуксизлигини таъминлаш, аҳолига коммунал хизматлар кўрсатиш сифатини ошириш, бунда асоссиз чекловлар ва тўланган хизмат ҳақларининг тўғри расмийлаштирилиши юзасидан йўналтирилган тартиблар жорий этишга оид фикрлари билан депутатлик гуруҳини янада фаоллаштириш, ташаббускорлигини оширишга ҳисса қўшди.

Номзод сифатида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари манфаатларини мустаҳкамлаш, ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчилар томонидан ишчи-ходимлар меҳнат шароити, иш ҳақи муносиблигини таъминлаш, шунингдек, касаначиликни ташкил этишнинг қонуний асосларини мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор қаратмоқда.

— Кадрлар тайёрлашда имтиёзли кредитлар беришни йўлга қўйиш зарурлигини даврнинг ўзи талаб қилмоқда, — дейди у. — Касб-ҳунар коллежларини битираётган ёшларни иш билан таъминлаш масаласи депутатликка номзодларнинг кўпчилигида етакчи дастурий мақсад сифатида белгиланмоқда. Бу — яхши. Масаланинг ижобий ечимини топишга кўпчилик бўлиб киришилиши самарали натижа бериши билан белгиланади. Аммо корхона, ташкилотлар билан шартнома орқали кадрларни ўқитиш усулини ҳам амалиётга жорий этиш керак. Бу механизмдан айрим тизимларда фойдаланилмоқда. Агар кенг миқёсда амалга оширилса, кадрларнинг сифат таркиби тубдан яхшиланган бўлар эди.

Депутатликка сайлансам, қишлоқларда уй-жой қурилиши билан боғлиқ масалалардаги таклифларимни ҳам қонуний асослантириш бўйича бир қатор аниқ таклифларимни кун тартибига киритишни мақсад қилганман.

ЗИЁВИДДИН МАНСУРОВ

(44-Тўрақўрғон сайлов округи)



1954 йилда Уйчи туманида туғилган. Наманган давлат педагогика институти (ҳозирги НамДУ)ни тамомлаган. Мутахассислиги — педагог-сиёсатшунос.

Меҳнат фаолиятини 1975 йилда Уйчи туманидаги 4-ўрта мактабда ўқитувчиликдан бошлаган. 1983-1987 йилларда жамоат ташкилотларида ишлаган. 1987-1993 йилларда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг вилоят бўлимида адабий маслаҳатчи, жамоа хўжалиги бошқаруви раисининг ўринбосари, Машад қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, туман ҳокими ўринбосари лавозимларида фаолият кўрсатган. 1993-2003 йилларда Ўзбекистон ХДП Уйчи туман кенгашининг биринчи котиби, жамоа хўжалиги бошқаруви раиси, вилоят «Китоб-Савдо» ҳиссадорлик жамияти раҳбари, Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармасининг вилоят бўлими раиси бўлган. 2002 йилдан вилоят Маънавият ва маърифат Кенгашининг масъул котиби, Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими раҳбари, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг вилоят бўлими масъул котиби.

Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати.

Жамоатчилик билан ишлаш, аҳоли турли қатламларининг талаб ва истакларини қонуний тартибда ҳал этишда фаол иштироки билан ҳурмат қозонган.

Вилоят Кенгашининг депутати сифатида электорат манфаатларини ҳимоялаш борасида катта тажрибага эга. Сессияларда қатор долзарб масалаларни кўтариб чиққан.

— Сайловолди дастуримдан ўрин олган муҳим масалалардан бири кўрсатилаётган ижтимоий ёрдамларга нисбатан аҳоли ҳар бир қатламининг муносиб жавобгарлигини кучайтиришга хизмат қиладиган қонун ҳужжатлари ишлаб чиқишга эришишдан иборат, — дейди у. — Сабаби, кўрсатилаётган ижтимоий ёрдам бошқимандалик кайфиятини туғдирмаслиги керак. Бу кўмак, иш топгунга, соғлигини, меҳнатга қобилиятини тиклагунга қадар эканини барча чуқур тушуниб етиши зарур. Олий ўқув юртларида тўлов-шартнома асосида ўқиётган талабаларга имтиёзлар белгилашга ҳисса қўшиш орқали кадрлар тайёрлаш сифатини юксалтиришга эришишни муҳим, деб биламан.

РАВШАН АБДУЛЛАЕВ

(45-Уйчи сайлов округи)



1973 йилда Уйчи туманида туғилган. Наманган саноат технология (ҳозирги Наманган муҳандислик педагогика) институтини тамомлаган. Мутахассислиги — муҳандис-педагог.

Меҳнат фаолиятини 1996 йилда Уйчи туманидаги фермер хўжалигида ҳисобчиликдан бошлаган. 1998-2006 йилларда мазкур хўжаликда раҳбар, ширкат хўжалиги бошқарув раиси ўринбосари лавозимларида ишлаган. 2006 йилдан «Абдулло» фермер хўжалиги раҳбари.

Халқ депутатлари Уйчи туман Кенгаши депутати.

У Ўзбекистон ХДП вилоят ва туман кенгашлари фаоли. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлашни энг муҳим вазифалардан деб билади. У «Ҳомийлик тўғрисида»ги Қонун муҳокамасида фаол иштирок этиб, Қонунчилик палатасига таклифларини йўллаган. Парламентдаги халқ вакилларининг асосий иш тартиблари, фаолияти билан танишиб боради.

Халқ депутатлари Уйчи туман Кенгашининг депутати сифатида аҳолининг ижтимоий ҳимоясини мустаҳкамлашга доир мавжуд қонунлар ижроси муҳокамасини изчил таъминлаш мақсадида туман Кенгаши сессиясига масалалар киритишга эришди. Ёш бўлса-да, ташаббускорлиги, жонкуярлиги сабабли зиммасидаги вазифани сидқидилдан бажаради.

— Агар Қонунчилик палатасига депутат бўлиб сайлансам,— дейди у. — Биринчи навбатда партиямиз дастуридан келиб чиқадиган мақсад ва ғояларнинг қонуний асосларини ишлаб чиқишга, жисмоний имконияти чекланган кишилар, пенсионерларни ижтимоий ҳимоялаш тизимини янада такомиллаштириш юзасидан таклифларимни илгари сурмоқчиман.

Оила тўғрисидаги мавжуд маъёрий ҳужжатларни такомиллаштиришимиз зарур. Жумладан, оналар ва болаларга тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, ёш оилаларга уй-жой сотиб олиш ва қуриш учун фоизсиз кредитлар ажратишнинг ҳуқуқий асосини яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

НУРДИНЖОН ИСМОИЛОВ

(46-Учқўрғон сайлов округи)



1959 йилда Учқурғон туманида туғилган. Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)ни тамомлаган. Мутахассислиги — ҳуқуқшунос. Юридик фанлари номзоди.

Меҳнат фаолиятини 1980 йилда Янгиқўрғон тумани прокуратурасида иш ўрганувчи сифатида бошлаган. Наманган вилоят прокуратураси тизимида турли вазифаларда ишлаган. 1985-1989 йилларда Уйчи туман прокурори, 1989-1995 йилларда Наманган вилоят Адлия бошқармаси бошлиғи, 1995-2001 йилларда Олий Мажлиснинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси ўринбосари, раиси, 2001-2002 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти девони Қонунчилик ва суд ҳокимияти органлари билан алоқалар бўйича экспертлар гуруҳи раҳбари, 2002-2004 йилларда Олий Мажлиснинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси лавозимларида фаолият кўрсатган. 2005 йилдан Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси.

«Шуҳрат» медали ва «Дўстлик» ордени билан тақдирланган.

Нурдинжон Исмоилов ўзи раҳбарлик қилаётган қўмита фаолиятини самарали ташкил этиш билан бирга, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирок этмоқда. Парламентда қонунчилик жараёнини такомиллаштириш, қабул қилинаётган қонунларнинг сифат ва самарадорлигини оширишга муносиб ҳисса қўшмоқда. Қатор илмий мақолалар ва оммабоп ҳуқуқий рисолалар муаллифи. Ўз касбининг билимдони сифатида иззат-ҳурматга эга.

— Электоратимиз — аҳолининг кам таъминланган ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами манфаатларини янада самарали ҳимоя қилишни мақсад қилиб, сайловда фаол иштирок этмоқдамиз, — дейди у. — Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциямизнинг фаолиятини такомиллаштириш, жойлардаги депутатлик бирлашмаларининг ташаббускорлигини ошириш мақсадга эришишнинг шартларидан биридир. Аҳолининг кам таъминланган қатлами учун иш ўринлари яратиш ва шу соҳада қабул қилинган давлат ва ҳудудий дастурларда иштирок этиш, дастурларнинг жойларда бажарилишини таъминлаш устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бундан ташқари, биз аҳолининг ижтимоий заиф қатламлари вакиллари учун янги иш ўринлари яратиш, молиявий имтиёзлар ва енгилликлар беришга эришиш тарафдоримиз.

Партиямиз депутатликка ана шу мақсадларни амалга ошириш салоҳиятига эга номзодларни кўрсатган. Ишонч билдирилса, эзгу мақсадлар учун курашамиз.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

ДИЛБАРХОН ХОЛИҚОВА

(47-Чортоқ сайлов округи)



1960 йилда Мингбулоқ туманида туғилган. Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)ни тамомлаган. Мутахассислиги — ҳуқуқшунос.

Меҳнат фаолиятини 1977 йилда ҳунар-техника билим юртида мутахассис сифатида бошлаган. 1981-1987 йилларда Тўрақўрғон туман прокуратурасида бош инспектор, Наманган вилоят адлия бошқармасида бош ҳисобчи, бош инспектор лавозимида ишлаган. Сўнг давлат идораларида фаолият кўрсатган. 1992-2008 йилларда Тўрақўрғон туман ижтимоий таъминот бўлими мудири, «Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамияти Наманган филиали Тўрақўрғон туман почта алоқа тармоғи бошлиғи бўлган. 2008 йилдан «Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамияти Наманган филиали директори. Халқ депутатлари Тўрақўрғон туман Кенгаши депутати.

Дилбархон Холиқова жамоатчи ҳуқуқшунос сифатида эл назарига тушган. Иш жойида, маҳалла-кўйда турли масалаларда ҳуқуқий маслаҳатлар бериб боради. Қанчадан-қанча муаммолар унинг маслаҳати билан ечим топган.

— Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг ислоҳотлар натижасида фуқаролик маърифати шаклланмоқда, хусусан, ёшлар жамият ривожига фаол аралаша бошладилар, — дейди у. — Бу борадаги ишларни янада такомиллаштириш зарур.

Шахсий деҳқон хўжаликларида қорамол боқиш, ҳунармандчилик ва меҳнатнинг бошқа якка тартибдаги шакллари билан шуғулланувчиларга яхши шароит яратилиши керак. Ёшга доир пенсия таъминотини ижтимоий кафолатлаш даражасини ошириш ҳам долзарб масала.

Хотин-қизларни иш билан таъминлаш, айниқса, касаначиликни ташкил этишда янги ва қулай механизмларни ишга солиш бўйича мавжуд ҳужжатларга қўшимчалар киритиш талаб этилмоқда.

Аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш бўйича меҳнат жамоаларида, ўқув муассасаларида масъулият қай даражада? Фуқаролик жамиятининг тараққиёт босқичларида қонунлар тўлақонли амалда бўлиши лозим. Бу жараёнга энг чекка ҳудудлардаги аҳоли қатламларини ҳам ҳар томонлама тайёрлигини таъминлашга эришмоғимиз керак. Депутат этиб сайлансам, ана шу мақсадлар учун курашаман.

АБДУҒАФФОР ҚИРҒИЗБОЕВ

(49-Янгиқўрғон сайлов округи)



1962 йилда Учқўрғон туманида туғилган. Ҳозирги Тошкент давлат педагогика университетини битирган. Мутахассислиги — тарих ва жамиятшунослик фани ўқитувчиси. Тарих фанлари доктори, профессор.

Меҳнат фаолиятини Низомий номидаги ТДПУда бошлаган. Тошкент шаҳридаги 186-мактабда тарих ва жамиятшуносликдан дарс берган. 1986-1989 йилларда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ойбек номли Ўзбекистон халқлар тарихи музейида кичик илмий ходим, илмий ходим сифатида фаолият кўрсатган. 1989-1992 йилларда аспирантурада таҳсил олган. 1992-2005 йилларда Низомий номидаги ТДПУда ўқитувчи, катта ўқитувчи, тарбиявий ишлар бўйича декан ўринбосари, касаба уюшма қўмитаси раиси, доцент, маънавият ва маърифат ишлари бўйича биринчи проректор, Малака ошириш ва қайта тайёрлаш факультети декани лавозимларида ишлаган.

2005-2009 йилларда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида бўлим бошлиғи бўлган. 2009 йилдан Тошкент давлат педагогика университети Малака ошириш ва қайта тайёрлаш факультети декани.

— Касбим тақозоси туфайли ҳар доим ёш авлод билан бирга бўлганман, уларнинг истиқболи, келажаги учун ўзимни масъул деб билганман, — дейди у. — Шуни назарда тутиб, мамлакатимизда китоб ва китобхонлик тўғрисидаги қонун ташаббуси билан чиқиш, китобхонлик маданиятини ривожлантириш лозим, деб ўйлайман. Қишлоқ аҳолиси учун қишлоқ ахборот ресурс марказларини, кутубхоналарини ривожлантириш зарурлигини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Ёшлар глобал тараққиёт билан тенг боришлари аҳамиятга молик масала. Шу билан бирга, қишлоқ ёшлари чет тилларини ўрганишлари учун имкониятларни кенгайтириш керак. Шунингдек, қишлоқ мактаблари ва соғлиқни сақлаш муассасаларини малакали кадрлар билан таъминлаш мақсадида қишлоқ ёшларини тегишли олий педагогика ва тиббиёт ўқув муассасаларига кириши учун шарт-шароитларни кучайтириш мақсадга мувофиқ, деб ўйлайман.

Партиямиз электорати манфаатлари ҳимоясини кучайтириш учун аввало, бошланғич ташкилотлар билан сайланадиган депутатларнинг мустаҳкам ҳамкорлигини таъминлаш талаб этилади. Чунки, бошланғич ташкилотлар ҳаётнинг ичида, электорат билан ҳар доим бирга, уларни ташвишга солаётган муаммоларни яхши билади. Депутатлар эса ушбу муаммоларни қонуний йўл билан ҳал этиш чораларини кўради. Агар депутат этиб сайлансам, фаолиятимни ана шу асосда ташкил этишга ҳаракат қиламан.

ГУЛЧЕҲРА ИБРАГИМОВА

(51-Сўғдиёна сайлов округи)



1971 йилда Самарқанд шаҳрида туғилган. Ҳозирги Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтини тамомлаган. Мутахассислиги — товаршунос.

Меҳнат фаолиятини 1993 йилда «Азиз» хусусий фирмасида сотувчиликдан бошлаган. Самарқанд шаҳар собиқ Темирйўл тумани «Боғисарой» маҳалласида котиба, хотин-қизлар қўмитаси раиси, Темирйўл туман ҳокимлиги хотин-қизлар қўмитаси бош мутахассиси вазифасида ишлаган. 2004 йилдан Самарқанд шаҳар ҳокимлиги, савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш департаменти мутахассиси.

ЎзХДП Самарқанд шаҳар кенгаши қошидаги «Фаол аёллар қаноти» раиси. Халқ депутатлари Самарқанд шаҳар Кенгаши депутати. У депутат сифатида қатор тадбирларни амалга ошириш, партия электорати вакиллари манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан кўплаб ташаббуслар билан чиқиб жамоатчилик орасида яхши танилган.

— Аҳолини халқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлашни янада яхшилаб, қўшма корхоналар, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари фаолиятини тубдан яхшилаш, ёшлар учун янги иш ўринларини яратишга ҳисса қўшиш депутатликка номзод сифатидаги дастуримдан ўрин олган, — дейди у. — Аҳолига зарур бўладиган халқ хўжалиги маҳсулотлари захирасини ташкил этишда кўмаклашиш, зарурий ҳолларда уларни савдо шохобчалари орқали фуқароларга вақтида етказишни таъминлаш, жамиятда аёлларнинг меҳнат шароитини енгиллаштириш, уларнинг оиладаги оналик ва бекалик қадриятларини, болалар тарбиясидек муқаддас бурчларини ва ижтимоий ҳаётдаги фаол иштирокини таъминлашга кўмаклашадиган шароитларни яратиш баркамол авлод тарбиясида муҳим аҳамият касб этади, деб ҳисоблайман.

Аҳолининг кам таъминланган қатлами, пенсионерлар, кўп болали оилалар, ёлғиз кекса кишилар ва болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасида қабул қилинган Қонунларни янада такомиллаштириш ҳамда ижросини сўзсиз таъминлашнинг мақбул механизмларини кучайтириш зарур. Агар Қонунчилик палатаси депутатлигига сайлансам, ана шу мақсадлар учун курашаман..

АБДИҚАҲОР ЮСУПОВ

(53-Иштихон сайлов округи)



1971 йилда Иштихон туманида туғилган. Тошкент Аграр университети, Молия институти, Республика Банк-молия академиясини тугатган. Мутахассислиги — иқтисодчи, молия ва кредит, банк иши.

Меҳнат фаолиятини 1992 йилда банкда иқтисодчиликдан бошлаган. 1992-1994 йилларда Марказий банкнинг Иштихон туман бўлими бош ҳисобчиси ўринбосари, иқтисодчиси, 1994-2004 йилларда акциядорлик-тижорат «Савдогарбанк» Иштихон тумани филиали бошқарувчиси ўринбосари, бошқарувчиси, 2004-2009 йилларда Республика Марказий банк вилоят бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари, биринчи ўринбосари лавозимларида ишлаган. 2009 йилдан Марказий банк вилоят бошқармаси бошлиғи.

— Мамлакатимизда олиб борилган иқтисодий-ижтимоий ислоҳотлар натижасида банк-молия тизими қайтадан шаклланди, десак, муболаға бўлмайди, — дейди у. — Ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш учун банклар томонидан бериб келинаётган молиявий кўмак, имтиёзли кредитлар айрим ривожланган давлатлар тажрибасида ҳам шаклланмаган. Айниқса, аҳолининг кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини ҳимоялашга қаратилган дастурларнинг ҳаётга татбиқ этилаётгани мамлакатимизда адолатли жамият барпо этилаётганидан далолатдир.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти тарафдори. Бу — бозор иқтисодиёти шароитида аҳолининг кўмакка муҳтож қатлами ҳуқуқий меъёрлар асосида ижтимоий жиҳатдан ҳимояланиши лозим дегани. Мен партиямизнинг ана шундай принципларини, умуман, Сайловолди дастури мазмун-моҳиятини сайловчиларга етказишга ҳаракат қилаяпман. Агар депутатликка сайлашса, банк тизимини янада такомиллаштириш, аҳолига сифатли банк хизмати кўрсатишни янада яхшилайдиган ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинишида, партиямиз электорати манфаатларини кўзлаб тузилган Сайловолди дастуридаги позициялар қонунларимизда акс этишида ташаббускор бўлишимни таъкидлаяпман.

ШОХИСТА ПАРМОНОВА

(54-Каттақўрғон сайлов округи)



1959 йилда Нарпай туманида туғилган. Самарқанд давлат университетини тамомлаган. Мутахассислиги — ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси.

Меҳнат фаолиятини 1978 йилда Нарпай туманидаги 29-мактабда ёшлар етакчиси вазифасидан бошлаган. 1992-1996 йилларда Нарпай туманидаги 8-мактабда бошланғич синфлар учун илмий бўлим мудири, 1996-2005 йилларда тумандаги 62-мактаб директорнинг маърифат ва маънавият ишлари бўйича ўринбосари лавозимларида ишлаган. 2005 йилдан шу мактаб директори.

— Таълим ва тиббиёт соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида, қишлоқларимиздаги мактаблар, врачлик пунктлари қайтадан қурилиб ёки тубдан таъмирланиб, моддий-техник базаси мустаҳкамланди, — дейди у. — Қишлоқ ўқитувчилари ва тиббиёт ходимларининг самарали меҳнат қилишлари учун шарт-шароитлар яхшиланди. Соҳадаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш учун партиямиз электорати бўлган ўқитувчи ва тиббиёт ходимлари учун қўшимча имтиёзлар белгилаш тарафдориман. Менимча, қишлоқ мактаблари ва врачлик пунктларида ишлаётган ўқитувчи ҳамда тиббиёт ходимлари фарзандларига уй-жой сотиб олиши ёки қуриши учун банкдан фоизсиз имтиёзли кредит ажратиш бўйича ҳуқуқий меъёрлар қабул қилиниши керак. Қишлоқ жойлардаги мактаб ва соғлиқни сақлаш муассасаларини кадрлар билан тўла таъминлаш мақсадида иқтидорли қишлоқ ёшларининг педагогика ва тиббиёт олий ўқув юртларига кириб ўқиши учун имтиёзлар белгиланиши лозим.

Агар депутат этиб сайлансам, келажагимиз эгалари таълим-тарбиясига масъул ўқитувчиларимиз ва саломатлигимиз посбонлари бўлган тиббиёт ходимларини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлайдиган қонунлар қабул қилинишида ёки мавжуд қонунларимизга шундай ўзгартишлар киритилишида ташаббус кўрсатаман. Шунингдек, қишлоқ ёшлари ва хотин-қизларини иш ўринлари билан таъминлаш борасида ҳам қонунчилигимизга киритадиган бир қатор таклифларим бор.

АЛИЯ ЮНУСОВА

(77-Ангрен сайлов округи)



1961 йили Тошкент шаҳрида туғилган. Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)ни тамомлаган. Мутахассислиги — ҳуқуқшунос. Юридик фанлари номзоди.

Меҳнат фаолиятини 1983 йилда Тошкент давлат тиббиёт институтида ўқитувчиликдан бошлаган. 1989-1995 йилларда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг фалсафа ва ҳуқуқ институти аспирантурасида таҳсил олган, кичик илмий ходим вазифасида ишлаган. 1995-1999 йилларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг биринчи даражали мутахассиси, бош мутахассиси сифатида фаолият кўрсатган. 1999-2005 йилларда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг таълим бўлими мудири бўлган. 2005 йилдан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Инсон ҳуқуқлари бўйича йирик мутахассис сифатида танилган. Партиянинг бу борадаги дастурий вазифалари бажарилишига салмоқли ҳисса қўшиб келаяпти. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ҳузуридаги Жамоат кенгашида эксперт сифатида фаол иш олиб боради.


У Олий Мажлис Қонунчилик палатаси мажлислари муҳокамасига киритилган қонунлар лойиҳалари бўйича асосли таклифлар билдириб, уларнинг янада такомиллаштирилишига самарали ҳисса қўшиб келмоқда. Айниқса, «Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида»ги, «Ҳомийлик тўғрисида»ги, «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги Конвенцияга доир, болаларнинг қуролли можароларда иштирокига тааллуқли Факультатив Баённомага (Нью-Йорк, 2000 йил 25 май) қўшилиши ҳақида»ги ҳамда суд-ҳуқуқ тизимининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга қаратилган қонунлар лойиҳалари муҳокамаси жараёнида ўзининг асосли фикрларини, таклифларини билдирди ва улар қонунларда ўз ифодасини топди.

— Агар иккинчи маротаба Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига сайлансам, амалдаги қонунларимизни такомиллаштиришда янада фаол қатнашаман, — дейди у. — Сайловолди дастуримда қонун устуворлиги ва унга ҳурмат принципларини қарор топтиришга хизмат қилиш катта ўрин тутади. Инсонларнинг фуқаролик, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлари тўлиқ ҳимояланишига эришиш бунда муҳим аҳамиятга эга.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

МУҲИДДИН АЪЗАМОВ

(78-Бекобод сайлов округи)



1962 йилда Бекобод туманида туғилган. Тошкент аграр университетини тугатган. Мутахассислиги — агроном.

Меҳнат фаолиятини 1984 йилда Бекобод туманидаги давлат хўжалигида муҳандис-ер тузувчи сифатида бошлаган. Бўлим агрономи, бўлим бошқарувчиси вазифаларида ишлаган. 1997-2003 йиллари Бобур номли фермер хўжалигида иш юритувчи бўлган. 2003 –2007 йилларда «Янги ҳаёт» ширкат хўжалиги бошқаруви раиси, Бекобод тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи, хусусий корхона раҳбари, 2007 йилдан эса «Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик жамияти филиали директори.

Халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгаши депутати.

Вилоят Кенгашининг аграр, сув хўжалиги, экология ва ободонлаштириш масалалари доимий комиссиясининг раиси сифатида қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштириш, ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, экологик масалаларни изчил ҳал этиш, тегишли қонунлар ва фармонлар ижроси назоратини кучайтириш масалалари билан мунтазам шуғулланиб келади.

Пахта, мева, узум, дуккакли экинлар ҳосилдорлигини кўтариш, қишлоқларда сабзавот ва мевани қайта ишловчи кичик корхоналар барпо этиб, замонавий техника ва технологияларни олиб киришда жонбозлик кўрсатмоқда.

— Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислоҳотлар тобора чуқурлашиб бораяпти, — дейди у. — Ирригация тармоқлари ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасида катта ишлар бажарилмоқда. Лекин баъзи муаммолар долзарб тус олаётгани ҳам бор гап. Аввало, ирригация-мелиорация ишлари устидан назоратни кучайтириш даркор. Ҳозир унинг сифати ва суръати талаб даражасида деб бўлмайди. Шу боис катта-катта деҳқончилик майдонларини зах босиш ҳолатлари кузатилмоқда. Тупроқни соғломлаштириш, унумдорлигини ошириш учун ер ости сувини қочириш, зах ариқлар ва коллекторларни вақтида сифатли тозалаш ишларини янада кучайтириш зарур. Чунки, мамлакатимизда аҳолининг кўп қисми қишлоқларда истиқомат қилади ҳамда оиласининг фаровонлиги кўп жиҳатдан ер унумдорлигига бевосита боғлиқ. Тегишли қонун ҳужжатларига шу муаммони бартараф этишга доир таклиф қилиш ниятидаман.

МЕЛИС НИШОНОВ

(79-Бўка сайлов округи)

1951 йилда Бўстонлиқ туманида туғилган. Ҳозирги Тошкент давлат техника университетини тугатган. Мутахассислиги — қурилиш муҳандиси.

Меҳнат фаолиятини 1974 йилда Гулистон шаҳридаги 22-қурилиш трестининг 60-механизациялашган кўчма колоннасида уста, 1981-1999 йилларда Бўстонлиқ туман матлубот жамияти қурилиш бўлимида катта иш бошқарувчи, хўжалик ҳисобидаги қурилиш корхонаси раҳбари, матлубот жамияти қурилиш бўлими бош муҳандиси вазифаларида ишлаган. 1999-2008 йиллари туман ҳокимининг ўринбосари бўлган. 2001-2008 йиллари «Бўстонлиқтумангаз» филиали бошлиғи вазифасида меҳнат қилган. 2008 йилдан «Тошкентгазтаъминот» унитар корхонаси директори.

Унинг саъй-ҳаракатлари билан вилоят, шаҳар ва туманларда аҳолининг табиий газ билан таъминланиши яхшиланиб боряпти. Газлаштириш ускуналарини таъ-



мирлаш, олис ва чекка қишлоқлардаги аҳоли турар-жойларига газ қувурлари тортиш режалари изчил бажарилмоқда.

Аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, соҳа ходимларини рағбатлантиришга алоҳида эътибор билан ёндашади.

— Биз қонун устувор бўлган фуқаролик жамияти ва ривожланган демократик давлатни барпо этиш йўлидан дадил бораяпмиз, — дейди у. — Бу жараёнларда бизнинг партиямиз фаол қатнашмоқда. Асосий эътибор аҳолининг ижтимоий муҳтож қатлами манфаатини ҳимоялашга қаратиляпти. Бу борадаги қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларда кўзда тутилган чоратадбирлар изчил амалга оширилиши устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш фаолиятимизнинг устувор йўналишларидан биридир. Шу боис, агар сайловчилар ишонч билдириб, Қонунчилик палатаси депутатлигига сайлашса, ижтимоий ҳимояга доир қонунларни янада такомиллаштириш, иш ўринлари яратишнинг минтақавий амалиёти самарадорлигини ошириш, жумладан, ёш мутахассисларни барқарор иш билан таъминлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли вакилларига алоҳида эътибор қаратиш, қишлоқларда қайта ишлаш тармоқларини ривожлантиришга доир таклифларим бор. Чунки бу масалалар қишлоқда яшовчи патиямиз электорати манфаатларига, улар учун муносиб турмуш шароитини яратишга хизмат қилади.

ҚАҲРАМОН РАШИТОВ

(80-Бўстонлиқ сайлов округи)

1963 йилда Чирчиқ шаҳрида туғилган. Ҳозирги Тошкент ахборот технологиялари университетини тамомлаган. Мутахассислиги — алоқа муҳандиси.

Меҳнат фаолиятини 1986 йилда ўзи битирган таълим муассасасида катта лаборантликдан бошлаган. 1988-1991 йилларда «Чирчиққишлоқмаш» заводининг телефон станциясида муҳандис, касаба уюшма қўмитаси раиси вазифасида ишлаган. 1991-2000 йилларда Чирчиқ шаҳар электр алоқа тармоғи раҳбари, «Чирком» қўшма корхонаси бош директори, республика алоқа давлат инспекцияси бошлиғининг биринчи ўринбосари лавозимларида хизмат қилган. 2000-2004 йилларда Чирчиқ шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари, 2001-2002 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси бўлган. 2004-2006 йилларда «Ўзбеккимёмаш» ОАЖ бошқаруви раисининг ўринбосари сифатида фаолият кўрсатган. 2006 йилдан «Ўзнефтгазмаш» акциядорлик компанияси бош директорининг ўринбосари, жамлаш молия иқтисод бўлимининг бошлиғи, «Ўзбеккимёмаш заводи» очиқ акциядорлик жамияти бош директорининг ўринбосари.

Халқ депутатлари Чирчиқ шаҳар кенгаши депутати.

Ўз билим ва тажрибасини корхонанинг ишлаб чиқариш суръати ва ўсиш самарадорлигини оширишга, барча техник-иқтисодий кўрсаткичлар ортиғи билан бажарилишига сарфламоқда.

У ўзига ва қўл остидаги ходимларга нисбатан талабчан, юзага келган муаммоларни ҳал этиш жараёнида барча масъулиятни ўз зиммасига олади. Ақл-идроки ва маданий салоҳияти, меҳнатни ташкиллаштириш масалаларини чуқур ўрганишга интилиши билан ажралиб туради.



— Агар сайловчилар менга овоз беришса ва Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси депутатлигига сайлансам, аҳолининг реал даромадлари ошишини кафолатлайдиган барқарор иқтисодий ўсиш, кам таъминланган фуқаролар, пенсионерлар, моддий ёрдамга муҳтож бошқа кишиларни қўллаб-қувватлашнинг ягона мезонлари қонунчилик даражасида белгиланишига эришиш ташаббуси билан чиқаман.

Аҳолининг ижтимоий ёрдамга муҳтож қатлами давлат ва жамоат ташкилотларининг доимий эътиборида бўлишини таъминлаш лозим, деб ҳисоблайман.

ИНДИРА ҲАЛИМОВА

(81-Зангиота сайлов округи)

1956 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Ҳозирги Тошкент аграр университетини тугатган. Мутахассислиги — агроном.

Меҳнат фаолиятини 1979 йилда ўзи илм олган таълим муассасасининг чорвачилик кафедрасида бошлаган. Кейинчалик илмий-текшириш бўлимида катта муҳандис бўлган. 1988-1992 йилларда давлат ва жамоат ташкилотларида фаолият кўрсатган. 1992-1999 йилларда Қибрай туман ҳокимлигида умумий бўлим мудири, девонхона раҳбари вазифаларида ишлаган. 1999-2004 йилларда Тошкент вилоят ҳокимлигида етакчи мутахассис, бош мутахассис лавозимларида меҳнат қилган. 2004 йилдан вилоят ҳокимлигининг Оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масалалари бўйича котибият мудири.

Индира Ҳалимова ташаббуси билан вилоятда аёлларнинг ижтимоий-сиёсий ва меҳнат фаоллиги, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, партиямиз фаолиятида хотин-қизларнинг иштирокини кучайтириш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Унинг саъй-ҳаракатлари билан оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аёллар саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, хотин-қизларни иш билан таъминлашга доир қонун, фармон, қарорлар изчил бажарилиши борасида ижобий натижаларга эришилмоқда.

— Оила тинч-тотув бўлса, турмуш ширин ва файзли бўлади, — дейди у. — Бунинг учун оиланинг моддий ва маънавий асослари мустаҳкамлиги ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ушбу мақсадларга эришишда қонунлар, фармон ва қарорлар ижроси тобора муҳим аҳамият касб этмоқда.


Агар, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига сайлансам, оила, хотин-қизлар, болалар ҳуқуқларига доир қонунлар ижросини таъминлашда депутатлар корпусининг масъулияти, тарғиботчилик-ташкилотчилик фаолиятини



кучайтиришга оид таклиф ва ташаббуслар билан чиқмоқчиман. Хотин-қизларнинг меҳнатини қадрлаш, улар учун хавфсиз иш шароитларини таъминлаш, ишлаб чиқаришда санитария-гигиена шароитларини яратишга барча корхона ва ташкилотларда ҳам етарли эътибор берилаяпти, деб бўлмайди. Назаримда, Қонунчилик палатасининг қўмиталари мазкур масалалар билан бевосита шуғулланишлари, тегишли ташкилот ва идораларнинг бу борадаги фаолияти устидан мониторинг ўтказиб, аҳволни яхшилаш учун зарур чоралар кўришлари, керак бўлса, депутатлар зарур қонунчилик ташаббуслари билан чиқишлари лозим.

ОРИФЖОН ИСМОИЛОВ

(82-Олмалиқ сайлов округи)



1953 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Тошкент автомобиль йўллари институтини тамомлаган. Мутахассислиги — қурувчи-муҳандис.

Меҳнат фаолиятини 1971 йилда «Ўзмеъморқурилишлойиҳа» институтида бўлим муҳандисли бошлаган. Олмалиқ кон-металлургия комбинатида ёшлар гуруҳига раҳбарлик қилган. 1981-1990 йилларда давлат ва жамоат ташкилотларида турли лавозимларда ишлаган. 1990-1996 йилларда «САТЕКС-Осиё» ўзбек-испан қўшма корхонаси тижорат бўлими директори, «Пахта» корхонаси Янгийўл шаҳар био-кимё корхонасида тижорат масалалари бўйича директор, «Изотоп» корхонаси бош директори. 1996-2008 йилларда «Зиёкаш» фирмаси тижорат масалалари бўйича директори, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо бошқармаси бошлиғи сифатида фаолият кўрсатган. 2008 йилдан «Меҳнат-гроуп» компанияси бош директори.

Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш мақсадларига хориж сармоясини жалб қилиш, йирик корхоналарда ишлаб чиқаришни ташкил этиш борасида муайян тажрибага эга. Унинг бевосита иштироки ва раҳбарлиги остида замонавий ишлаб чиқариш корхоналари барпо этилиб, кўплаб янги иш ўринлари яратилди.

Ҳозирги пайтда у раҳбарлик қилаётган компания таркибида еттита корхона маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Уларда 2 мингдан зиёд ходим меҳнат қиляпти. «Асл Ойна» корхонаси ишга туширилиши натижасида 190 та янги иш ўрни очилди. Келгусида бу ерда ишлаб чиқарилаётган шиша идишларнинг ярмини жаҳон бозорида сотиш мўлжалланмоқда. Янги йилда яна 60 та иш ўрни яратиш лойиҳаси устида иш олиб бораяпти.

— Бундай саъй-ҳаракатлар юртимизни янада равнақ топтиришга хизмат қилади, — дейди у. — Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига сайлансам, шундай жараёнларни жадаллаштиришга доир қонун яратиш ташаббуси билан чиқиш ниятим бор. Бунда энг аввало, одамларни иш билан таъминлаш, ҳар бир ходим ўзининг ва оиласининг фаровонлигини таъминлаш учун меҳнат ҳақининг юқори бўлиши масаласи туради. Аммо бунинг учун аҳолининг реал даромалари ортишини кафолатлайдиган барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, ички бозорни ўзимизда ишлаб чиқарилган сифатли, хавфсиз ва арзон озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлар билан етарлича таъминлаш зарур. Бу масалалар партиямиз сайловолди дастурида илгари сурилган. Ишонч қозонсам, партиядошларим билан биргаликда ана шу мақсадлар учун курашаман.

ШУҲРАТ ТУРСУНБОЕВ

(83-Паркент сайлов округи)



1970 йилда Юқоричирчиқ туманида туғилган. Волгоград давлат педагогика институтини битирган. Мутахассислиги — ўқитувчи.

Меҳнат фаолиятини 1987 йилда Юқоричирчиқ туман маиший хизмат уйида ишчиликдан бошлаган. 1993-1998 йилларда тумандаги 1-мактабда ўқитувчи, ёшлар ташкилоти раҳбари, халқ таълими бўлими методисти вазифаларида ишлаган. 1998-2005 йилларда Тошкент вилоят ҳокимлиги бош мутахассиси, Юқоричирчиқ туман ҳокими ўринбосари, туман халқ таълими бўлими мудири, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали бош мутахассиси вазифаларида фаолият кўрсатган. 2005 йилдан қурилиш-иқтисод касб-ҳунар коллежи директори.

Шуҳрат Турсунбоев ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш жараёнларида фаол қатнашиб, билимли, маънавий ва жисмоний етук авлодни тарбиялашга, қишлоқларда турмуш маданиятини яхшилашга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

— Унинг бевосита саъй-ҳаракати билан қурилиш-иқтисодиёт коллежида таълим йўналиши кенгайтирилди. Сўнгги беш йилда коллежни 11 йўналиш бўйича битириб чиққан йигит-қизлар ижтимоий-иқтисодий ва бошқа соҳаларда меҳнат қилиб, ҳаётда ўз ўрнини топмоқда.

— Баркамол авлод тарбиясини янада кучайтириш имкониятлари кенг, — дейди у. — Мактабгача тарбия, ўрта махсус таълим, олий таълим тизимида ўзаро алоқа ва ҳамкорликни кучайтириш лозим. Бунинг учун амалдаги қонунларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, таълим тизимидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш талаб қилинади. Жамиятимизнинг ҳар бир соҳасига билимли, ўз устида доим ишлайдиган, ҳаётнинг ҳеч бир қийинчилик, машаққат ва синовидан чўчимайдиган, танлаган соҳасини ривожлантиришга ҳисса қўшиш истагида тиниб-тинчимайдиган кадрлар тайёрлашимиз керак. Бунинг учун таълим тизимини янада такомиллаштириш, ишлаб чиқариш ва бошқа соҳаларда янгиликни жорий этганлик учун нафақат хўжалик юритувчи субъектлар, балки, давлат томонидан рағбатлантиришни янада кучайтириш талаб этилади. Агар депутатликка сайлансам, шу йўналишдаги саъй-ҳаракатларда фаол иштирок этиш, таклиф ва ташаббуслар билан чиқиш ниятидаман.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

ЗОЯ АН

(84-Тўйтепа сайлов округи)



1954 йилда Ўртачирчиқ туманида туғилган. Волгоград тиббиёт институтини тугатган. Мутахассислиги — шифокор-педиатр.

Меҳнат фаолиятини 1978 йили шифокорликдан бошлаган. 1979 йилдан бошлаб Миробод туманидаги 2-болалар поликлиникасида участка шифокори, бўлим мудири лавозимида ишлаган. 1986-1999 йилларда Миробод тумани соғлиқни сақлаш бўлими бош педиатри, Сергели туманидаги 17-болалар ва 48-оилавий поликлиникаларда бош шифокор бўлиб хизмат қилган. 1999 йилдан Сергели туман марказий маслаҳатдиагностика поликлиникаси бош шифокори.

Зоя Ан мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида, жамоатчилик ишларида фаол қатнашиб келмоқда. 2002 йилдан буён Тошкент вилоят корейс миллий-маданий маркази жамоат бирлашмаси раҳбари. У аҳоли ўртасида миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик ғояларини тарғиб қилиб, жамиятда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшмоқда.

2004 йили халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгаши депутатлигига сайлангач, Ўртачирчиқ туманининг олис маҳаллаларини газлаштириш ва ичимлик суви билан таъминлаш муаммоларини бартараф этишга катта ҳисса қўшди. Иш фаолияти давомида ўзини истеъдодли ташкилотчи, малакали мутахассис ва ташаббускор ходим сифатида намоён этиб келаяпти.

— Мамлакатимиз кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидан бормоқда, — дейди у. — Агар Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига сайлансам, бутун куч-ғайратимни ёнма-ён турмуш кечириб, меҳнат қилаётган турли миллат вакиллари ўзаро баҳамжиҳатликда, тинч-тотув яшашлари, миллий маданиятлар янада равнақ топиб, умуминсоний қадриятлар билан уйғунлашувини кучайтиришга сарфлайман.

Бозор муносабатлари шароитида айрим ривожланган мамлакатларда ўта бой ва ўта камбағаллар синфи пайдо бўлди. Бу эса қатор ижтимоий кескин муаммоларни келтириб чиқараётганига гувоҳ бўлмоқдамиз. Юртимизда ҳам иқтисодиётда бозор муносабатлари тобора чуқурлашиб бормоқда. Аммо бойлар билан камбағаллар орасидаги фарқ кучайишининг олдини олиш ҳаётий заруратдир. Шундан келиб чиқиб, бизнинг партиямиз оддий ўқитувчи, шифокор, пенсионер ва муқим ишли бўлмаган ёшлар, аёллар, ногиронлар манфаатларини ҳимоя қилувчи қонунчилик асосларини таъминлашга қаратилган ташаббус ва таклифлар билан чиқмоқда. Партиямизнинг дастурий мақсадларида ёшга доир пенсияларнинг базавий миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг камида икки баравarini ташкил этиши қонунчиликда мустаҳкамланишига эришиш ғояси илгари сурилган. Фуқаролар ўз мамлакатларига муносиб бўлиши, давлат уларни муносиб қадрлаши кучли фуқаролик жамиятининг асосидир.

МУХТАСАР АБДУРАҲМОНОВА

(85-Чиноз сайлов округи)

1965 йилда Қибрай туманида туғилган. Ҳозирги Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетини тамомлаган. Мутахассислиги — тарих ва жамиятшунослик фани ўқитувчиси.



Меҳнат фаолиятини 1986 йилда Қибрай туманидаги 1- мактаб ўқитувчилигидан бошлаган. 1999-2002 йилларда Тошкент вилояти педагогик ходимлар малакасини ошириш институти ижтимоий фанлар кафедрасининг мудири, 2002-2004 йилларда Тошкент давлат юридик институти қошидаги академик лицей ўқитувчиси, 2004-2008 йилларда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг етакчи мутахассиси, бош мутахассиси вазифаларида хизмат қилган. 2008 йилдан Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш маркази ўқув-услубиёт бўлими бошлиғи ҳамда 2009 йилдан Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши сектор мудири, Марказий Кенгаш раиси ўринбосари лавозимларида ишлаб келмоқда.

Олий ва ўрта махсус таълим аълочиси. У катта педагогик тажрибага эга. Таълимда янги педагогик технологияларни қўллаб, иқтидорли ёшларни тарбиялаш йўлида катта меҳнат қилди. Бундан ташқари, хотин-қизларнинг саломатлигини тиклаш, уларни оммавий спорт турларига жалб этиш борасида қўплаб ташаббуслар билан чиқди. 3 босқичли «Аёллар спорт фестивали»ни ташкил қилишда фаол иштирок этди. Бу соҳадаги тажрибалардан келиб чиқиб, жисмоний тарбия бўйича аёл ўқитувчиларни кўпайтириш мақсадида Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтида хотин-қизлар учун қўшимча 220 та ўрин ажратилишига эришишда ҳам ўз ҳиссасини қўшди.

— Партиямиз электорати манфаатлари ҳимоясини янада кучайтириш бизнинг биринчи галдаги вазифамиздир, — дейди у. — Бунинг учун «Давлат минимал ижтимоий стандартлари тўғрисида»ги, шунингдек, ёшга доир, ижтимоий пенсиялар, ногиронлик нафақаси ва бошқа моддий ёрдамларни тайинлаш, ҳисоблаб чиқиш тўғрисидаги амалдаги қонунлар, низомлар йўриқномалар ўрнига тўғридан-тўғри, бевосита амал қиладиган «Фуқароларнинг пенсия ва ижтимоий таъминоти тўғрисида»ги янги қонунларни қабул қилиш, Меҳнат кодекси, «Ўзбекистон Республикасида аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонунга ҳамда меҳнат муносабатлари, иш билан бандлик, меҳнатга ҳақ тўлаш ва ходимларнинг ижтимоий суғуртаси масалаларини тартибга соладиган бошқа қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ташаббуси билан чиқмоқчиман. «Фуқароларнинг мажбурий тиббий суғуртаси тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш, шунингдек, «Фуқароларнинг соғлигини сақлаш тўғрисида», «Таълим тўғрисида»ги қонунларга ҳамда соғлиқни сақлаш, таълим ва аҳолига ижтимоий хизмат кўрсатишнинг бошқа шаклларини тартибга соладиган қонун ҳужжатларига зарур ўзгартириш, қўшимчалар киритиш лозим, деб ҳисоблайман. Агар депутатликка муносиб топилсам, ана шу мақсадлар учун курашаман.

ЛАТИФ ГУЛЯМОВ

(86-Чирчиқ сайлов округи)

1956 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ) ҳамда Тошкент сиёсатшунослик ва бошқарув институтини битирган. Мутахассислиги — арабшунос, сиёсатшунос. Тарих фанлари номзоди.



Меҳнат фаолиятини 1978 йилда бошлаган. Кейинчалик жамоат ташкилотлари, Тошкент шаҳри давлат бошқаруви ҳудудий органларида турли масъул лавозимларда фаолият кўрсатиб, катта ҳаётий ва касбий тажриба орттирди.

1994-2004 йилларда Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси бўлиб ишлаган. 2004 йилда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати этиб сайланган. 2005 йилдан Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раисининг ўринбосари. 2005 йилдан Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашига бошчилик қилиб келмоқда.

2006 йилда «Меҳнат шуҳрати» ордени билан тақдирланган.

Қонунчилик палатасида ишлаш даврида у «Ипотека тўғрисида», «Микромолиялаш тўғрисида»ги қонунлар, «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрири, ногиронларни ижтимоий ҳимояси ҳақидаги қонунчилик ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш, фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисидаги ва бошқа ҳужжатлар муҳокамаси ҳамда қабул қилинишида фаол иштирок этди. У шунингдек, ижтимоий муҳим қонун ва бошқа ҳукумат қарорлари ижроси масаласида парламент назоратини ташкил этишда ташшаббус кўрсатиб келаяпти.

Латиф Гулямов ўз сайлов округи сайловчилари билан ишлашга катта масъулият билан ёндашади. Ўтган давр мобайнида фуқароларнинг турли ижтимоий масалалар бўйича 80 тадан ортиқ мурожаатларини кўриб чиқди. Уларнинг кўпчилиги ижобий ҳал этилди.

Манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва ҳимояга муҳтож кишилар, кам таъминланган ва кўп болали оилалар, жисмоний имкониятлари чекланган кишилар, пенсионерларнинг ижтимоий ҳуқуқлари ва манфаатлари тўғрисида ғамхўрлик қилиш унинг Сайловолди дастурининг асосий устуворликларидир.

АДИБА АҲМАДЖОНОВА

(87-Қибрай сайлов округи)

1955 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Ҳозирги Тошкент давлат педагогика ва Тошкент аграр университетларини тугатган. Мутахассислиги — биология фани ўқитувчиси. Қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, доцент.



Меҳнат фаолиятини 1972 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Физиология илмий-текшириш институти лаборантлигидан бошлаган. Катта лаборант, ҳозирги Тошкент давлат техника университетида лаборант бўлиб ишлаган. 1980-1997 йилларда ҳозирги Тошкент аграр университетининг лаборатория мудири, ассистенти, доценти, декани, кафедра мудири, проректори, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий ишлаб чиқариш марказида шўъба мудири лавозимларида меҳнат қилган. 1997-2007 йилларда Қибрай туман Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси раҳбари, «Ўзмевасабзавотузумсаноат» холдинг компанияси қишлоқ хўжалик бошқармаси бошлиғи, Тошкент вилоят ҳокимининг ўринбосари — хотин-қизлар қўмитаси раиси, «Ўзвиносаноат» холдинг компаниясида бошқарма бошлиғи вазифаларида ишлаган, 2007 йилдан «Узумшаробсервис» унитар корхонаси раҳбари.

Халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгаши депутати, Ижтимоий-маданий ривожлантириш, ёшлар сиёсати ва соғлом авлод масалалари бўйича доимий комиссия раиси.

Вилоят аҳолисини, айниқса, хотин-қизлар ва ёшларни ишга жойлаштириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, қишлоқларда тиббий хизматни такомиллаштириш, халқ таълимининг моддий негизини мустаҳкамлаш масалалари билан фаол шуғулланган. Бу борада кўпгина ташаббусларни илгари сурмоқда.

— Қонунчилик палатаси депутатлигига сайлансам, Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар стратегиясининг ижтимоий устувор йўналишларидан келиб чиқиб, амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш, жамият ва давлатнинг алоҳида қўллаб-қувватлашига эҳтиёжманд кишилар манфаатлари ҳар томонлама ҳисобга олиниши ва ҳимоя қилинишига қаратилган саъй-ҳаракатларни амалга оширишда фаол қатнашаман, — дейди у. — Назаримда, ижтимоий хизмат кўрсатишни янада мукаммал даражага кўтариш, юқори сифатли, ижтимоий мақбул коммунал хизматларни ташкил этишнинг қонунчилик асосларини такомиллаштиришнинг пайти келди. Бу масалаларнинг ижобий ҳал этилиши, ҳеч шубҳасиз, партиямиз электоратининг манфаатларига хизмат қилади, турмуш даражаси кўтарилиб, одамлар муносиб ҳаёт кечиришлари учун ишончли асос яратади.

ҲУСНИДДИН РАҲМОНОВ

(88-Янгийўл сайлов округи)



1967 йилда Сирдарё туманида туғилган. Ҳозирги Тошкент тиббиёт академиясини тамомлаган. Мутахассислиги — стоматолог-шифокор. Тиббиёт фанлари доктори.

Меҳнат фаолиятини 1984 йилда Сирдарё туманида Ёшлар ташкилотида бошлаган. 1990-1993 йилларда жамоат ташкилотларида ишлаган. 1992-1995 йилларда аспирантурада ўқиган. 1996-1999 йилларда Тошкент тиббиёт институти 1-клиникаси бош шифокорининг ўринбосари, соғлиқни сақлаш вазирлигида биринчи тоифали мутахассис сифатида фаолият кўрсатган. 1999 йилдан Янгийўл шаҳар тиббиёт коллежи директори, 2004-2005 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиш академияси тингловчиси бўлган.

Халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгаши депутати.

Илмий изланишларни қизғин давом эттириб, республикада стоматология соҳасини ривожлантиришга, малакали кадрлар тайёрлашга муносиб ҳисса қўшаётган таниқли олимлардан биридир. Институт талабалари ва тиббиёт коллежлари ўқувчилари учун учта дарслик, 8 та услубий қўлланма, 50 тадан ортиқ илмий мақола муаллифи. Ўтган йиллар мобайнида ўқув-тарбия ишлари савиясини кўтариш учун кўп изланишлар олиб борди. Унинг жонкуярлиги ва ғайрат-шижоати билан коллеж моддий-техника базаси такомиллашиб бормоқда. Ўқитувчилар салоҳиятини ошириш, малакали ўрта бўғин тиббиёт ходимларини тайёрлаш яхшиланаяпти.

— Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига сайлансам, амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш орқали аҳолининг ҳақиқий даромади ортиб бориши, барқарор, юқори даражада маош, белгиланган иш ўринлари яратилиши, аҳолига коммунал хизматлар кўрсатилиш даражасини ошириш масалалари ечими учун курашиш ўзимнинг асосий вазифам деб ҳисоблайман,— дейди у. — Иқтисодиётда банд бўлмаган меҳнатга лаёқатли одамлар, ижтимоий ҳимояга муҳтож ва ишга жойлашишда қийинчиликларга дуч келаётган кишилар, ўрта махсус ва олий таълим ўқув юртларида таҳсил олаётганларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайдиган қонунлар мажмуасини ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ қилишга ўз ҳиссамни қўшаман. Қонунларимизга пенсиялар, маошлар, рағбатлантирувчи тўловлар ўз вақтида берилиши устидан депутатлик ва жамоатчилик назорати самарадорлигини оширувчи қўшимча ва ўзгартишлар киритиш муҳим деб ҳисоблайман. Мақсадим бутун билим ва тажрибамни аҳоли турмуш даражасини кўтаришга қаратилган қонун-қоидаларни янада такомиллаштиришга сарфлашдан иборат.

Тиббиёт масаласига келсак, Ўзбекистон тиббиётнинг Ватани. Ибн Синодек улуғ аждодларимизнинг бебаҳо мероси ҳеч бир замон эскирмайди. Шу масалаларга ҳам эътибор қаратиш, азалий анъаналарни ҳаётга кенг татбиқ этиш, энг муҳими, одамларнинг тиббий тушунчаси, билими, яъни тиббий маданиятни ўстириш инсонга зийнат бағишлайди. Бу борада ҳам кўп-кўп хайрли ниятларим бор...

САЙДИВАЛИ АҲМЕДОВ

(89-Дўстобод сайлов округи)



1961 йилда Оққўрғон туманида туғилган. Ҳозирги Тошкент давлат техника университетини тамомлаган. Мутахассислиги — муҳандис-механик.

Меҳнат фаолиятини 1980 йилда Оққўрғон туманидаги жамоа хўжалигида трактор парки таъмирловчиси сифатида бошлаган. Ҳарбий хизматда бўлган. 1996-2005 йилларда трактор парки механиги, бош муҳандиси вазифаларида ишлаган. 46-Олимкент автокорхонаси бош муҳандиси бўлган. 2005 йилдан Оққўрғон туманидаги «Гулистон-Бўстон» хусусий машина-трактор парки раҳбари.

Қишлоқда ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёнида фаол иштирок этиб, ўз ташкилотчилик қобилиятини намоён этмоқда. Унинг ташаббуси билан хусусий машина-трактор паркининг хизмат кўрсатиш ва молиявий ҳолати муттасил яхшиланиб бормоқда.

Қишлоқ ободончилигини яхшилаш, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам ташкил этиш, ходимларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш юзасидан қатор ташаббусларни илгари сурмоқда.

— Сайловда кўп овоз олиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига сайлансам, фермер хўжаликларида ишлаётган ишчиларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, меҳнатдан манфаатдорлигини оширишга қаратилган қонунчилик асосларини янада такомиллаштириш юзасидан таклифлар, ташаббуслар билан чиқиш ниятим бор, — дейди у. — Чунки, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантиришда бу ниҳоятда муҳим ўрин тутади. Одамларнинг манфаатдорлиги ортган сайин деҳқончилик маданияти янада юксалади, ҳосилдорлик ўсиб, маҳсулот сифати яхшиланади. Натижада қишлоқларимиз инфратузилмасини, уй-жой қурилишини кенгайтириш, қайта ишлаш ва хизмат кўрсатиш корхоналари барпо этиш учун зарур молиявий имкониятлар вужудга келади. Буларнинг барчаси қишлоқ жойларда истиқомат қилаётган партиямиз электорати манфаатлари билан бевосита боғлиқ.

Мамлакат манзараси

КЎРК ОЧАЁТГАН ҚИШЛОҚ

Учкўприк тумани Фарғона вилоят марказидан 110 километр шимолий шарқда жойлашган. Туман ҳудуди 131 қишлоқдан иборат бўлиб, 180 минг нафар аҳоли истиқомат қилади. Обод қишлоқлардан бири Палохон.

Қишлоқ ҳақида сўраганимизда, Палохон маҳалла фуқаролари йиғини раиси Ашурали Деҳқонов шундай дейди: — Маҳалла йиғини «Наврўз-Учкўприк», «Бувайда-Қўқон» магистрал йўлининг кесишган жойида жойлашган ҳамда қишлоқ ўртасидан Худоёрхон — хон ариғи ўтган. Сув аҳолининг деҳқончилик, полизчилик, сабзавотчилик, боғдорчилик, чорвачилик, пахтачиликдан баракали ҳосил олишига имкон яратади. Шу туфайли аҳолининг асосий қисми деҳқончилик ва парандачилик билан машғул.

Йиғинимиз ҳудуди 102 гектар майдонни ўз ичига олган. Қишлоқда 1081 та оилада жами 3569 нафар аҳоли яшамоқда.

Аҳоли турмуш кўрсаткичларининг ошиши кўп жиҳатдан қишлоқ инфратузилмаларининг такомиллаштирилишига боғлиқ. Зеро, қишлоқ гузарида иккита қўш қаватли чойхона, ошхона, иккита босмахона, 50 ўринли «Дилшод Палохон» қишлоқ генекология шифохонаси, 4 та новвойхона, 4 та қассобхона, 2 та ўғит сотиш, 2 та қурилиш материаллари, уй-рўзғор анжомлари дўкони, 2 та техникаларни таъмирлаш устахонаси, 3 та сартарошхона, кутубхона, алоқа бўлими, 12 та савдо шохобчалари аҳолига хизмат кўрсатяпти. Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида палохонлик тадбиркор Аҳроржон Болтабоев хориждан 12 турдаги пластмасса идишлар ишлаб чиқарадиган 60 миллион сўмлик дастгоҳ олиб келиб ўрнатди. Цех иш бошлади, натижада 15 нафар қишлоқ ёшлари иш билан таъминланди.

Биз «Чим-кўча» маҳалласи, 338 уйда яшовчи 101 ёшни қаршилаган Тожибойбува Қурбоновнинг хонадонида бўлдик. Бир асрдан ортиқ умр кўрган отахон суҳбат бошлади:

— Палохон халқи, азалий миришкор деҳқон. Ҳар бир хонадонда 2-3 сотих токзор, 5 сотих полиз ва резавор маҳсулотлари, қисқаси райҳон, жамбул, ўсмагача етиштирадилар. Мен ўзим умр бўйи пастқам, ер бетига тош терилган кесакдевор, тупроқ томли уйда яшадим. Мол, қўй боқишнинг иложи йўқ эди. Шўро тузуми иликни қуритганди. Оллоҳ шу кунларни кўрсатганига шукр қиламан. Мана, мустақиликка эришганимиздан сўнг давлат раҳбаримиз ташаббуси билан ночор оилаларга мол тарқатилди. Хонадонлар бағрига шамол тегди, косаси оқарди. 101 ёшни қарши олган бўлсам-да, олдинги ўтган умримни истиқлолнинг 18 йилига тенглаштирмайман. Бошқаларни билмадим-у, биз палохонликлар ер билан тирикчилик қиламиз. Мана, ерлик бўлдик, ризқлик бўлдик...

Палохон қишлоғи Фарғона вилоят марказидан 118 километр, Учкўприк туман марказидан 8 километр узоқда жойлашган бўлсада, 18 йил ичида ер билан осмонча ўзгаришлар бўлди.

Йиғинда маданий-маърифий ишларни амалга ошириш, қишлоқ ёшларини соғлом ва баркамол қилиб тарбиялаш, уларни иш билан таъминлаш, қишлоқ аҳлининг меҳр-мурувватли, аҳил-иноқ бўлишида Палохон маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ашурали Деҳқоновнинг ҳиссаси катта.

Қишлоқ ўзгариб, замонавий тус олиб боряпти. Сўнгги икки йилда 92 миллион 270 минг сўмлик ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Сўнгги 2-3 йил ичида 50 дан ортиқ қўшқаватли иморатлар қад ростлади. Бу иморатлар қишлоқ ҳуснига-ҳусн, кўркига-кўрк қўшди. Энг қувончлиси шуки, энди палохонлик ёшлар бошқа шаҳарларга бормай ўз қишлоқларида илм олишга, ҳунар эгаллашларига имкониятлар яратилди. 2008 йил 3 қаватли агросаноат касб-ҳунар коллежига 7 соҳа бўйича 390 нафар ўқувчилар қабул қилинди. Уларга малакали мутахассислар ўз соҳалари бўйича илм бермоқда.

2009-2010 ўқув йилида яна тикувчилик ишлаб чиқариш ва бошланғич таълим йўналиши — мутахассислик қўшилди. Жами 9 та мутахассислик бўйича 510 нафар ўқувчи таълим олмоқда. Уларга 52 нафар малакали муаллимлар касб-ҳунар сирларини қунт билан ўргатишмоқда. Коллежда ётоқхона, ошхона, кутубхона, спорт зали ва фан кабинетлари ўқувчилар ихтиёрида.

Қишлоқнинг чиройи очиляпти, замонага мос ўзгаряпти, одамлари фаровон кун кечиряпти. Палохон обод, кўркам қишлоққа айланяпти.

Насриддин МЎМИНОВ,
«Янги Фарғона» газетаси мухбири.




Пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманида жойлашган Республика уруш ва меҳнат фахрийлари пансионатида 140 нафар қария ва ногиронлар истиқомат қилади.

Бу ерда фахрийлар даволаниши учун барча қулайликлар яратилган. Улар ҳар олти ойда тумандаги 33-оилавий шифохона ходимлари ёрдамида тиббий кўрикдан ўтказилади.

Шунингдек, ҳар йили қариялар дам олиш уйлари ва сиҳатгоҳларда хордиқ чиқарадилар. Байрам кунлари улар учун байрам дастурхони ва концертлар ташкил этилади, совға-саломлар улашилади.

Суратларда: *Республика уруш ва меҳнат фахрийлари пансионатидан лавҳалар.*



Асқар Ёқубов (ЎзА) олган суратлар

ТЎЙ – ЭЛ МАРОСИМИ

Уни қандай ўтказиш ўзимизга боғлиқ

Маслаҳатли тўй тарқамас. Бу нақлга амал қилган тўй эгаси кўпни кўрган отахон-онахонларимиздан маслаҳат олади ва тўйини ортиқча чиқимларсиз, саранжом-саришта, файзли ўтказиб, элда ҳурмат топади. Баъзан тўй меники, унга сарфлайдиган пул меники, ўзим истаганча ўтказаман, бировнинг мен билан нима иши бор, деб дабдаба, шуҳратпарастликка берилган, ортиқча сарф-харажату исрофгарчилик уволини ўйламай қўйган инсонлар ҳам учраб туради.

Паркент туманида тўйларни файзли ўтказиб келаётган тўй ходимаси Умира Обидова билан шу ҳақда суҳбатлашгани бордим. Туманда тўй бошлаган кўпчилик инсонлар у кишидан маслаҳат олади.

Умира опага мақсадимни айтаётганимда туманнинг чекка қишлоғидан маслаҳат олгани бир киши келиб қолди. Уларнинг суҳбатига халал бермасдан жимгина тингладим.

— Тўй бошлаб қўйдим,— деб гап бошлади маслаҳатга келган киши.

— Яхши кунинг кўп бўлсин,— дуога қўл очди Умира опа.

— Яккаю ёлғиз ўғлимни уйлантираяпман.

У орзу-ҳавасини айтиб, унисини ундоқ қиламан, бунисини бундоқ қиламан, деб узоқ гапирди. Умира опа унинг сўзларини диққат билан эшитди. Аввалига тўйга қанча маблағ кераклиги, қуда-андалар ўртасидаги олди-бердилар, меҳмонларни қандай кутиб олишгача айтиб ўтди. Тўй эгаси яна орзу-ҳавасидан гапирди.

— Тўйни нима учун қиласиз?

— Икки ёшни бошини қовуштириш учун...

— Гапларингга қараганда дабдабага берилаётганлар билан мусобақалашаётганга ўхшаяпсан. Аслида, тўйга келган одамлар тежамли, жуда чиройли ўтди, деб айтишлари керак.

Баъзи тўйларга бориб қолсанг, шовқин-суронга дуч келасан. Раққосаларининг эгилиб-букилиб ўйнаётганини кўрсанг, ёқангни ушлайсан. Ноз-карашма қилиб пул олиш илинжида меҳмонлар олдида ўзини ҳар мақомга солаётганда, қарашга уяласан.

— Очиғи, мен ҳам кўп марта раққосаларнинг олдимга келиб илондек буралишларидан хижолатда қолганман. Ташвишланманг, бизнинг тўйда бундай нохушликлар бўлмайди. Ўзим қаттиқ назорат қиламан.

Мулоҳаза

— Сиз назоратни тўйбошига қўйиб беринг. Тўйбоши обрўли, сўзи ўтадиган киши бўлса, даста-даста пул қистиришларга, ёш ўғил-қизларнинг енгилелпи ўйинга тушаверишларини камайтиради. Ўзингиз эшик олдида ака-укалар билан келган меҳмонларни кутиб олишда эътиборли бўлиб турганинг маъқул. Қолган томонларидан ўзим хабардор бўлиб тураман.

Кейин яна бир гапни айтай, тўйда керакли-кераксиз удумлар бўлади. Тўй тугаса ҳам бу удумлар тугамайди. Сен шу ортиқча удумларни ўтказмасликка ҳаракат қилинг. Масалан, тўйнинг эртасига тонгдан ҳаммани безовта қилиб, сарф-харажатни кўпайтириб дабдабали келин саломни ўтказишнинг нима кераги бор? Шуни соддагина қилиб тўй вақтида ўтказиб юборса ҳам бўлади? Келин эшикдан кириб келаётган пайтнинг ўзида ўтказилса ихчам, содда ўтади. Ўзингга ҳам яхши, ортиқча сарф-харажат бўлмайди.

— Ҳозир ҳамма шу удумни қилади. Биз ўтказмаганимизни одамлар эшитса, ҳар хил гаплар кўпаяди...

— Хўп яхши, мен келин саломга қарши бўлаётганим йўқ-ку! Шуни тўйнинг бошланишида, келин остонадан салом билан кириб келаётган вақтда содда қилиб ўтказиб юборайлик демоқчиман.

Ростини айтсам, қанча тўйда бўлсам ҳам остонадан кириб келаётган келинни кўрган заҳоти оқ кўйлагини ижарага олмаган бўлсин-да, деб хавотирга тушаман. Баъзан жуда очиқ-сочиқ тикилган оқ кўйлакни кийиб келган келинларни ҳам кўриб қоламан. Шундай пайтларда миллий келинлик либосларимиз минг карра афзаллиги ҳақида ўйлайман. Кўрганда кўзинг қувонади, ҳам келиннинг ибоҳаёсини минг чандон оширib кўрсатади. Тиктириб кийилса, эсдалик бўлиб қолади ва пули арзонга тушади.

— Бўпти, айтганингиздек қиламиз. Муҳими, икки ёш бахтли бўлсин, — деди у.

Уларнинг маслаҳати шу тариқа якунига етди. Тўғриси, Умира опанинг маслаҳатлари бугун кўпчиликка тегишли. Фақат кимдир бундан хулоса чиқаради, кимдир ўзим биламан, деб ўйлайди.

Тўй — халқнинг мўътабар маросимларидан бири. Шу боис тўйларимизда йўл қўяётган хатоларимиз ўсиб келаётган ёш авлод тарбиясига жуда катта таъсир ўтказади. Тўйларимизнинг тартибли ўтиши эса ўзимизга боғлиқ. Тўйларимизни эзгу ниятлар билан бошлаб, уни чиройли амаллар билан ўтказсак, бугунги кунда бошимизни қотираётган муаммолар ўз ечимини топиб бораверади.

Абдусалим МАҲМУДОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

Нобель мукофотлари — 2009

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ АСР КАШФИЁТЛАРИ

Маълумки, 1901 йилдан буён юксак бадиий асарлар ёзган, тиббиёт ёки физиология, физика, кимё соҳасидаги кашфиётлар яратган, халқлар дўстлиги ва тинчликни мустаҳкамлаш йўлида амалий фаолият кўрсатган, 1968 йилдан бери иқтисодиёт соҳасида етук ишлар қилган кишилар ҳар йили Нобель мукофотлари билан тақдирланишади. Шубҳасиз, уларнинг кашфиётлари, асарлари, амалий ишлари дунё интеллектуал бойлигининг замонавий хазинасидир.

Анъанага кўра, бу йил ҳам 10 декабрь куни Стокгольм ва Осло шаҳарларида навбатдаги лауреатларга Альфред Нобель тасвири туширилган олтин медаль, диплом ва ҳар бир йўналишда 10 миллион швед кронаси (тахминан бир миллион евро) пул мукофоти тантанали равишда топширилди. Жорий йилнинг лауреатлари билан танишинг.

ТИББИЁТ

АҚШда илмий фаолиятини давом эттираётган австралиялик **Элизабет БЛЕКБЕРН**, америкалик **Кэрол ТРЕЙДЕР** ва **Жек ШОСТАК** ҳужайралар қаришини ҳимоя қилиш соҳасидаги кашфиёти учун мукофотга лойиқ кўрилди. Улар 1961 йилда ҳужайралар бўлиниши жараёнида аниқланган «Хейфлик чегараси» деган номни олган кашфиётни муваффақиятли давом эттиришиб, амалиётда ҳужайралар қаришини ҳимоялайдиган янги технология яратишди.

ФИЗИКА

Америкалик **Уиллард БОЙЛ** ва **Жорж СМИТ** ҳамда келиб чиқиши хитойлик бўлган британиялик тадқиқотчи **Чарльз КАО** рақамли фотоаппаратни яратгани ва тасвирни замонавий технология асосида узатишни амалга оширган ишлари учун муносиб топилди. Бундай тасвирга олиш зарядларга асосланган ускуна-матрица орқали бажарилади. Шундай фотоаппаратлар ёрдамида астрономларга ҳали номаълум бўлган коинот жисмларини ҳам кўриш ва суратга олиш мумкин.

КИМЁ

Буюк Британияда илмий фаолият олиб бораётган, келиб чиқиши ҳиндистонлик бўлган **Венкатраман РАМАКРИШНАН**, **Томас СТАНЦ** (АҚШ) ва **Ада ЙОНАТ** (Исроил) ҳужайранинг таркибий қисми бўлган рибосома тузилиши ва унда оқсил моддаларининг синтезланишига доир кашфиётлари учун эътироф этилди. Эндиликда бу кашфиётга асосланган ҳолда рак каби оғир хасталикларни даволаш йўлларини топса бўлади.

АДАБИЁТ

Берлинда истиқомат қилувчи, келиб чиқиши руминиялик бўлган, немис тилида ёзувчи **Герта МЮЛЛЕР** тоталитар тузум даврида қўрқув ва зўровонлик остида яшаган инсонлар характерларини адабий асарларида ишонарли тасвирлагани учун мукофотни қўлга киритди. 1953 йилда туғилган ёзувчи 1987 йилда Германияга кўчиб ўтган. У ҳикоя ва шеърларидан ташқари, 18 та роман ва қисса муаллифидир. Ҳозиргача йигирмадан зиёд адабий мукофотлар билан тақдирланган.

ТИНЧЛИК

Бу йўналишдаги мукофотга — АҚШ президенти **Барак ОБАМА** лойиқ кўрилди.

ИҚТИСОДИЁТ

Швеция давлат банки томонидан таъсис этилган мукофот бу йил мулкка жамоавий эгалик қилиш ҳам фойдали эканлигини исботлашга қаратилган ишлари учун америкалик Элинор **ОСТРОМ** ва **Оливер УИЛЬЯМСОН**га берилди. Олимлар ўзларининг илмий таҳлиллари билан фанда жадал ривожланаётган иқтисодиётни ташкил этиш соҳасига асос яратишди.

Асрор МЎМИН тайёрлади.

Шу кунларда дунё ҳамжамияти турли грипплар нинг эпидемик хуружидан азият чекаётгани ҳаммага маълум. Бу грипп вируслари тараққий этган замонага ҳамоҳанг тарзда ривожланиб, янги-янги штаммлар билан бойиб бормоқдаки, аввалари одамзотга хавф солмаган ҳайвонлар касалликлари эндиликда одамларни ҳам четлаб ўтмаяпти. Яқиндагина «парранда гриппи»нинг одамлар орасида эпидемик тарқалиши кишилик жамиятини анча саросимага солган эди. Бугунги кунда эса «чўчқа гриппи» ҳайвонлар билан бирга, одамлар ҳаётига ҳам таҳдид солмоқда.

Огоҳлик — зарурат

ПАНДЕМИЯ ДАРАЖАСИ пасайиб бормоқда...ми?

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотига асосланган ҳолда интернет сайтлари хабар тарқатишича, жорий йилнинг 27 ноябрь ҳолатига кўра, дунё бўйича A/H1N1 вируси, яъни «чўчқа гриппи»га чалинганлар сони 622 мингдан ортиб кетган. Айнан шу касаллик боис нобуд бўлганлар эса 6 декабрь ҳолатидаги ҳисоб бўйича 9596 кишини ташкил этган. Декабрь бошларида касаллик авжи негадир анча юқорилади. Бир ҳафтанинг ўзида касаллик туфайли вафот этганлар 800 нафарга етгани ташвишланарлидир.

ЖССТнинг ўтган ҳафта охирида эълон қилган ҳисоботида қайд этилишича, 6 декабрь ҳолатига кўра, касаллик дунёнинг 208 та мамлакатига тарқалиб улгурди. Касаллик профилактикаси ва назорати бўйича Америка маркази раҳбари Томас Фриден баёнот бердики, биргина Американинг ўзида жорий йилнинг апрелидан ноябригача 50 миллионга яқин америкалик айнан «чўчқа гриппи» билан оғриган. Улардан 213 минги даволаш учун шифохоналарга ётқизилган. Одатда, грипп бўйича шифохоналарга ётқизилганларнинг умумий сони йил давомида шунча кўрсаткичга етиб-етмасди.

Аммо шуниси қувончлики, кўпгина давлатларда A/H1N1 вирусининг авж палласи ортда қолди, касаллик хуружи пасайиб бормоқда. Жумладан, ЖССТнинг маълумотларига қараганда, Шимолий Америкада, Ғарбий, Шимолий ва Шарқий Европанинг айрим давлатларида, Грузия, Болгария ва Украинада эпидемик вазият барқарорлашиб бормоқда. Бироқ Россияда (56 та ҳудудидан ташқари), Албания, Чехия, Эстония, Греция, Венгрия, Латвия, Польша, Руминия, Черногория, Словения, Франция ва Туркияда касаллик хуружи ҳануз авж палласида.

ЖССТ бош директорининг соғлиқни сақлаш ва атроф-муҳит муҳофазаси масалалари бўйича ёрдамчиси вазифасини бажарувчи Кежи Фукуданинг айтишича, дунёда касалликнинг пандемия даражаси сақланиб турибди. Ер шари аҳолисининг учдан бир қисмига айнан шу касаллик ҳамон хавф солмоқда.

Шуни таъкидлаш лозимки, британиялик олимларнинг баён қилишларича, «чўчқа гриппи» пандемияси оқибатида қурбон бўлганлар кутилганидан кўра камроқ қайд этилган. Ўтказилган тадқиқот натижалари шундан далолат бермоқдаки, ҳар 100 минг беморлан 26 нафари нобуд бўлган.

Тиббиёт мутахассислари башорат қилишган эдики, A/H1N1 вируси биринчи галда қариялар ва болаларни, умуман, кучсизларни шикастлайди. Аммо воқелик бутунлай бошқача тус олди. 65 ёшдан ошганларда вирусга қарши иммунитет кучли экан. Шунингдек, боланинг грипп эпидемиясида ўлим коэффициенти юқори эди — 2-3 фоиз. 1957-58 йиллардаги ва 1967-68 йиллардаги пандемияда эса ўлим коэффициенти 0,2 фоизга тўғри келган. Ҳозирги кунда «чўчқа гриппи» пандемиясида ўлим даражаси 0,026 фоизни ташкил этмоқда. Бу аввало XXI асрнинг фан ва техникаси ҳамда тиббиёти ўта ривожлангани, теран ақл, идрок ва тафаккур кенг миқёс олгани билан изоҳланади.

Аммо ачинарли ҳолат шуки, одамзот «чўчқа гриппи» хуружидан ҳали қутулмай туриб, иккинчи тур грипп вируси ҳайвонлардан одамларга юққан ҳолати ҳақида интернет сайтлари хабар тарқатди. Жумладан, «Die Presse» манбаларига асосланиб «InoPressa» маълум қилишича, Нидерландияда «парранда гриппи» ва «чўчқа гриппи»дан сўнг энди «эчки гриппи» эпидемияси тарқалмоқда. Австрия газеталари хабарларига қараганда, бу грипп одамдан одамга юқмайди, лекин ҳайвондан одамга юқади.

Мамлакатда шу кунгача 2300 киши ушбу янги гриппга чалинган, улардан 6 нафари ҳаётдан кўз юмди. Касаллик Голландиянинг жанубий ва шарқий қисмида авж олиб бормоқда. Негаки, айнан шу ҳудудларда энг кўп чорвачилик фермалари мавжуд. Уларда 375 мингдан ортиқ эчки боқилмоқда. Голландия қишлоқ хўжалиги вазирлиги маълум қилишича, 350 та фермадан 55 тасида янги вирус тарқалган. Энди ҳукумат 20 мингдан ортиқ эчки ва қўйлар тезда йўқ қилинишини фермалар ва ўсмирларда ҳам ўлим ҳолати кам кузатилди. Яъни 5 ёшгача бўлганларнинг 100 мингдан 9 нафари, 14 дан 17 ёшгача бўлганларнинг 20 нафари, 15 дан 24 ёшгача бўлганларнинг 17 нафари нобуд бўлган.

1918-19 йилларда юз берма соҳибларидан талаб қилмоқда.

Мутахассисларнинг далилларига қараганда, «эчки гриппи» аломатлари худди бошқа турдаги грипплар сингари. Яъни томоқда қаттиқ оғриқ туради, тумов боис кўл ва оёқларда зирқираш, ҳолсизлик ва бош оғриғи кузатилиб, тана ҳарорати кўтарилади. Касаллик ўз пайтида даволанмаса, у зотилжамга айланади ва ўлим билан якунланиши мумкин.

Касалликни антибиотиклар билан даволаш мумкин. Қуруқ ва тоза ҳаво ҳам вирус юқишининг олдини олади.

Нидерландия соғлиқни сақлаш вазири Аб Клинк аҳолини тинчлантирмоқдаки, бу грипп нинг одамдан одамга юққан ҳолати ҳали кузатилмаган, фақат ҳайвондан одамга юққан ҳолати кузатилган. Бундан ташқари, ушбу гриппга қарши вакцина яратиш масаласи ҳозир кун тартибида турибди. Экспертларнинг ишончиришларича, тез кунда эпидемияни жиловлаш мумкин. Бунинг учун етарли кучлар ишга солинади.


Аммо нима бўлгандаям энг асосийси бепарволикка берилмаслик лозим. Ахир Яратган ҳам асранганни асрайди.

Алимбек ТОШБЕК,
шарҳловчи

Баркамол авлод орзуси

ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ МАСКАНИ

Кейинги пайтларда ҳукуматимиз томонидан ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимини янги босқичга кўтариш борасида кенг кўламли ислоҳотлар олиб борилмоқда. Хусусан, таълим, фан-техника ва технологияларнинг жаҳон миқёсидаги илғор тажрибалари ва ривожланиш анъаналарини ҳисобга олган ҳолда давлат таълим стандартлари яратилиб, амалиётга татбиқ этилмоқда.



Шу билан бирга, тизимни янги қўлланмалар билан таъминлаш, уларнинг моддий-техник ва ўқув базасини шакллантириш ҳамда мастаҳкамлаш механизми ҳам такомиллаштирилиб борилмоқда.

Жумладан, Самарқанд автомобилсозлик касб-ҳунар коллежида бугунги кунда ёшларга қатор замонавий мухассисликлар бўйича таълим бериб келинмоқда.

— Мамлакатимизда автомобиль саноати соҳаси кундан-кунга ривожланиб бораётганлиги боис, шу соҳанинг бўлажак мутахассислари янги автомашиналарнинг тузилиши ва кўриниши, дизайни бўйича пухта билимга эга бўлиши лозим, — дейди коллеж директори, техника фанлари номзоди, профессор Исмоил Эргашев. — Ҳозир ўқув масканимизда билимга чанқоқ ва интеллектуал салоҳияти юқори бўлган 410 нафар ўғил- қиз уч йўналиш, автомобилларни йиғиш ва синаш, транспорт воситаларини ишлатиш ва таъминлаш ҳамда транспортда ташиш ва бошқаришни ташкил этиш бўйича қунт билан таълим олмоқда.

Коллеж энг замонавий жиҳозлар билан таъминланган. Ўқувчилар ўз билимларини амалиётда қўллаши учун «Асака» заводидан олиб келиниб ўрнатилган махсус устахона, ахборот-ресурс маркази, 2000 дан ортиқ ҳар хил ўқув адабиётлари билан таъминланган кутубхона ҳамда энг сўнгги русумдаги компьютер хоналари мавжуд. Шунингдек, шинам стадион ҳам талабалар ихтиёрида. Қолаверса, коллеж ўқувчилари устозларидан олган назарий билимларини вилоятдаги «Самавто» ҳамда «Ўзавтотеххизмат» сингари йирик корхоналарда ишлаб чиқариш амалиётини ўташлари йўлга қўйилган. Келгусида коллеж битирувчиларининг аксарияти мазкур ташкилотларда ўз иш фаолиятларини давом эттиришади.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ

Суратларда: *коллеж ҳаётидан лавҳалар.*



Ҳусан ТЎҒИЗОВ олган суратлар.

Бокуда Халқаро ҳаваскорлар бокс федерацияси (АИБА) президенти кубоги баҳслари бўлиб ўтди. Ўн бир вазн тоифасида ўтказилган ушбу нуфузли мусобақада ҳамюртларимиздан Орзубек Шоимов (54 кг.), Хуршид Тожибоев (57 кг.), Ботиржон Маҳмудов (69 кг.), Рамзжон Аҳмедов (91 кг.), Сардор Абдуллаев (+91 кг.) рингга кўтарилдилар. Улардан икки нафарига совриндорлар қаторидан жой олиш насиб этди.



ОРЗУБЕК ШОИМОВ — БОШ СОВРИН СОҲИБИ

Ақтидорли боксчимиз Орзубек Шоимов дастлабки босқичда мезбонлар вакили, 2007 йилги жаҳон чемпионати бронза медали совриндори Самир Маммодевга рўбарў келди. Маҳоратли вакилимиз зафар қучиб, ярим финалга йўлланма олди. Ярим финалда Орзубек эквадорлик Жонатан Валарецони очколар ҳисобида мағлубиятга учратди. Ҳал қилувчи баҳсда Шоимов ирландиялик Невин Жон Жўға қарши рингга кўтарилди. Унда ҳамюртимиз 7:3 ҳисобида ғалаба қозониб, турнир бош совринига сазовор бўлди.

Яна бир вакилимиз ёшлар ўртасида жаҳон чемпионати совриндори Рамзжон Аҳмедов ярим финалгача барча учрашувларни муваффақиятли ўтказди. У финал йўлланмаси учун украиналик Александр Юсикка қарши кечган баҳсда рақибига имкониятни бой берди ва бронза медали билан кифояланди.

ЁШЛАРИМИЗ — ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИДА

Теҳронда футбол бўйича ёшлар ўртасида Осиё чемпионати «Д» гуруҳи саралаш баҳслари ўтказилди. Унда Марат Кабаев бош мураббийлигидаги Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси гуруҳ ғолиблигини қўлга киритди.

Дастлаб Покистон вакилларини 5:0 ҳисобида доғда қолдирган ёшларимиз иккинчи учрашувда мезбонлар билан дуранг ўйнашди — 1:1. Гуруҳнинг Эрон — Покистон ёшлар терма жамоалари ўртасидаги ўйинда эса 4:0 ҳисоби қайд этилди.

Энди мусобақа низомига кўра, Ўзбекистон ва Эрон футболчилари келаси йили 2-17 октябрь кунлари ёшлар ўртасида бўладиган Осиё чемпионати финал босқичида қатнашадилар.

Эркин ХОЛБОБО

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Tat`yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot 233-12-56
Reklama va e`lonlar 233-38-55, 233-47-80
Mas`ul kotib 233-72-83, 236-55-17

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 223-06-02
Gulistonda — 25-46-45
Jizzaxda — 227-48-35
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 226-43-81
Nukusda — 222-77-21
Samarqandda — 35-02-55
Urganchda — 517-30-58
Farg`onada — 224-18-78
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz
Navbatchi: Mirbaxtiyor MIRFAYZIYEV
Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG`ATOV, Zafar BAKIROV
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.
Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 1149
10360 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
ISSN 2010-7633
O`zA yakuni — 23.40
Topshirilgan vaqti — 01.30
1 2 3 5 6 7 8
Sotuvda erkin narxda

QISHLOQ QURILISH BANK

Ҳамкорларимизга янги юқори фоизли ва муддатли омонат турлари амалга киритилганлигини маълум қилади:

✧ «Совға»— муддати — 1 ой, устама фоизлар йилига — 30% ✧
✧ «Матонат»— муддати — 3 ой, устама фоизлар йилига — 30% ✧
✧ «Тафаккур»— муддати — 4 ой, устама фоизлар йилига — 29% ✧
✧ «Фойдали»— муддати — 5 ой, устама фоизлар йилига — 27% ✧
✧ «Заковат»— муддати — 6 ой, устама фоизлар йилига — 28% ✧
✧ «Табиат»— муддати — 8 ой, устама фоизлар йилига — 28% ✧
✧ «Капитал»— муддати — 12 ой, устама фоизлар йилига — 26% ✧
✧ «Адолат»— муддати — 18 ой, устама фоизлар йилига — 25% ✧

Фоизлар ҳар ойда тўлаб берилади.

Банкдаги омонатлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги омонатларини ҳимоялаш кафолатларини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-4057 — сонли Фармони асосида тўлиқ кафолатланади.

Ахборот маркази телефонлари: (+99871) 233-71-72, 236-16-17 www.qishloqqurilishbank.uz

Қишлоқ қурилиш банк — фаровон ҳаётингиз хизматида!

ҚАДИМИЙ ҚАСР ҚОЛДИҚЛАРИ...

Археология

Сурхондарё воҳаси ўзининг ноёб осориатиқалари, қадимий ёдгорликлари билан машҳур.

Мустақиллик йилларида бу борада япониялик қадимшунослар билан ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилди. Шу йилнинг баҳорида «Ўзбекистон санъатшунослик экспедицияси» ва япониялик тўрт нафар археологлар воҳанинг маданий меросларидан саналган Шўрчи туманидаги Далварзинтепа ва Деновдаги Қорабоғтепада қазилма ишларини олиб боришди. Диёримизнинг нақадар бой ёдгорликлари билан танишиш мақсадида бир гуруҳ япониялик мехмонлар яна вилоятга ташриф буюришди.

— Уч йилдан буён археолог Кюдзо Като билан Термиздаги Қоратепада иш олиб боряпмиз, — дейди Кубика Сан жаноблари. — Мамлакатингиздан топилаётган ҳар бир ёдгорлик бебаҳодир. Яқинда Қорабоғтепада дуч келинган қадимий қаср деворининг ўзи бир мўъжизадир. Эни бир, узунлиги тўрт, баландлиги саккиз метрча келадиган пахсалар ўта пухта қурилган. Бу қадимий қаср қолдиқлари топилмаси минг йиллардан гувоҳлик беради.

— Воҳа нафақат маданий бойликлари, балки бетакрор табиати билан ҳам алоҳида ажралиб турар экан, — давом этади «Евростар» сайёҳлик фирмаси раҳбари Тсуне Саката жаноблари. — Синанинг улкан тоғлари, Сангардакдаги мафтунқор шаршара, Сурхон сув омборининг зилол сувлари ўзига хослиги билан алоҳида ажралиб туради. Ўзбек тўйларига бордик. Миллий одатлар, келинсалом, умуман миллий қадриятларга муносабат бизни лол этди. Бебаҳо анъаналар ҳаётингизни безаб турибди, десак, муболаға бўлмайди.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎзХДП электорати манфаати

ИРОДА, МАТОНАТ, ҚАТЪИЯТ

инсон умрини безайди, ҳаётига мазмун, турмушига файзу барака бағишлайди

Матонат нима эканига Дўстлик туманидаги Истиқлол қишлоғида яшаётган ва тақдир синовларига бардош бериб, умр дафтарини эзгу амалий ишлар билан безаётган замондошимиз, биринчи гуруҳ ногирони Абдужаббор Эшназаровнинг ҳаёт йўли, турмуш тарзи мисол бўла олади.

Уҳам барча тенгдошлари қатори ўйинқароқ, ерга урса кўкка сапчийдиган, шўх-шодон бола эди. Ота-онасининг кўрар кўзи, нури дийдаси бўлиб вояга етаётганди. Мактабда яхши ўқирди. Жамоат ишларида ҳам фаол қатнашарди. Устозлари уни намуна қилиб кўрсата бошлашди, олий ўқув юртига ўқишга киришни маслаҳат беришди. Аммо Абдужабборнинг қадрдон қишлоғидан, ота-онаси бағридан кетгиси келмади. Қолаверса, умрбод бирга бўламиз, дея аҳду паймон қилган жондан азиз севгилисидан кўнгил узиб кетолмасди.

Билаги куч-қувватга, юраги эзгу орзуларга тўла йигит тракторчи бўлиб ишга кирди. Ўзи танлаган касбга меҳр қўйди. Ҳатто кечалари далада қолиб ишлади. Билмаганларини ўрганди, билганларини амалда мустаҳкамлади. Бу орада севган қизига уйланди. Олдида ота-онаси, ёнида суюкли ёри, жамоада ўзига яраша обрў-эътибори бор. Бамисоли, ундан бахтли одам йўқ эди. Ўзиям учиб-қўниб юрарди, тиним нелигини билмасди.

Афсуски, фалокат оёқ остида, деганлари рост экан. Ҳаёт нашидаларига тўймай юрган Абдужабборни тўсатдан оғир хасталик оёқдан қолдирди, тўшакка михлаб қўйди. Норғул йигит кун сайин кучдан, қувватдан қола бошлади. Шифокорларга кўринди. Табибларга учради. Бирови у деди, бирови бу. Лекин дард оғирлашса оғирлашардики, енгиллашай, демасди. Яна шаҳарма-шаҳар, шифокорма шифокор қатнашлар бошланди. Бор топгани, йиққан-тергани даволанишига кетди. Бу орада рўзғорда етишмовчиликлар, камчиликлар кўриниб қолди. Тўғри, ота-онаси, ака-укалари, қариндош-уруғлар қараб туришмади, баҳоли қудрат ёрдам беришди. Аммо фақат ёрдамнинг ўзи билан кундалик турмушнинг минг турли муаммоларини ҳал қилиб бўлмас экан...

У айни куч-қувватга тўлган, бир дунё орзу-умидлар билан яшаётган эди. Афсуски, оғир хасталикка чалиниб, тўшакка михланиб қолди...

Кейин... кейин у жасорат кўрсатди. Чинакам жасорат...

Шу тариқа орадан кунлар, ойлар, йиллар ўтди. Абдужабборнинг дарди сурункали тус олди. Шифокорлар унга ногиронликка чиқишни тавсия этишди. Тиббий меҳнат экспертиза комиссияси ёш йигитни биринчи гуруҳ ногирони, дея хулоса берди. Шу тариқа Абдужаббор Машққа зўр берди. Ўзини аямади. Сўнг ўйлаб-ўйлаб, тақдирга тан бермасликка, ишлашга, фойдали меҳнат билан шуғулланишга бел боғлади. «Оёқларим ўзимга бўйсунмагани билан қўлларим ишлайди, ақлу фаросатим жойида, нега энди боқиманда бўлишим керак? Мен ҳам ишлайман, ишлаганда ҳам соғлом инсонлар билан бир сафда, ҳатто улардан ҳам ўтказиб ишлаганим бўлсин», деган қарорга келди.

Иродали, матонатли, қатъиятли, ориятли киши эзгу ишга жазм этадими, мақсадига эришмагунча тинмайди. Абдужаббор дастлаб қишлоқ фуқаролар йиғинига, ундан кейин туман ҳокимиятига бориб, ниятини айтди: фермер бўлмоқчиман. Аввалига унга ишонқирамай қарашди, ўзи ногирон экан, ер берсак эплармикан, дея шубҳага боришди. Аммо Абдужаббор сўзида қатъий турди: ерни бериб кўринглар-чи, фермерчиликнинг уддасидан чиқолмасам, кейин айтинглар, деди куйиб-ёниб. Йигитнинг сўзига ишониб, дастлаб унга 35 гектар ер ажратиб беришди.

У биринчи кунданоқ бор билими, тажрибаси, куч-қувватини ишга солди. Аравачасида далага борди, ҳатто иложини қилиб трактор ҳам ҳайдади, ҳар ишда бош-қош бўлди. Ғалла, пахта етиштириш билан боғлиқ агротехник тадбирларни ўз вақтида, кўнгилдагидай қилиб бажаришнинг уддасидан чиқди. Биринчи йилдаёқ унинг хўжалиги ғалла ва пахта етиштириш бўйича белгиланган шартномавий режани ортиғи билан уддалади. Даромад ҳам шунга яраша бўлди. Имконияти чекланган йигитнинг ғайратига, куч-қувватига, иродасига тан берганлар, ундан ўрнак олишни истовчилар кўпайди.

Кейинги йиллари ҳосилдорлик янаям ошди, фойда ҳам кўпайди. Даромад ҳисобидан трактор, сеялка, культиватор сотиб олди. Меҳнатидан барака топган Абдужаббор кам таъминланган, боқувчисини йўқотганларга беминнат ёрдам кўрсатди. Айни кунларда хўжалигида олти киши меҳнат қилаяпти ва бундан олти рўзғорга файзу барака кираяпти.

Абдужаббор бугун нафақат тадбирли, тиниб-тинчимас, фидойи фермер, балки яхши оила бошлиғи ҳам. Ҳовлижойи озода, ораста, саранжом-саришта, ҳамма нарса ўз ўрнида, тартибли.

— Ҳеч нарсадан камимиз йўқ, — дейди оила бекаси Зебунисахон. — Рўзғоримиз учун оғир келган дамларда сабр-тоқатга суяниб яшадик, ёруғ файзли кунларнинг келишига умид қилдик. Ниятимизга етдик, ҳаммаси ортда қолганига шукр қиламиз. Бугун рўзғоримиз бут. Турмушимиз фаровон. Инсон учун бундан ортиқ яна нима керак? Оғир дамларда руҳан тушкунликка тушмаган, ҳаёт синовларини енгиб ўтиш учун ўзида куч-қудрат топган мен учун азиз ва қадрли инсон Абдужаббор аканинг иродаси, матонати олдида бош эгаман.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.